O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2010-yil 24-noyabr, chorshanba ● № 47 (696) ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● e-mail: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ҚИШЛОҚ АЁЛИ

СОҒЛИҒИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Аёл — миллат давомчиси. У ҳаёт барқарорлигини таъминловчи зотдир. Шунинг ўзи унинг нақадар иззатга, асраб-авайланишга муносиб эканини кўрсатиб туради.

⇨ 3-бет

«ЯНГИ АВЛОД» – БОЛАЛАР ОРЗУСИ

Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган энг иқтидорли, энг истеъдодли болаларнинг 587 нафари "Янги авлод — 2010" кўрик-танловининг ғолибига айландилар.

⇨ 7-бет

ИРОДАЛИ БЎЛИШ — ОЛИЙ ФАЗИЛАТ

Камтарона меҳнатимга берилган юксак эътибор мен учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Шу кунгача озми-кўпми ўйнаган ролларим эвазига берилган илк мукофот янада яхшироқ ижод қилишимга куч бағишлади.

⇨ 8-бет

ПРЕЗИДЕНТ ҚАТАРГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан Доҳа шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон — Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ҚАТАРГА РАСМИЙ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Доҳа, 23 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан Доҳа шаҳрига келди.

Қатар араб мамлакатлари ўртасида юксак нуфузга эга давлатлардан биридир. Қатар араб давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этган (1991 йил 30 декабрь).

Ўзбекистон учун Қатар билан ҳамкорлик Араб дунёси давлатлари билан савдо-иқтисодий, сиёсий, транспорт ва коммуникация ҳамда маданий-гуманитар каби соҳаларда янада самарали ҳамкорликнинг янгидан-янги истиқболларини очади. Ўз навбатида, Қатар Ўзбекистон билан муносабатларга устувор аҳамият қаратиб, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан минтақавий ва халқаро миқёсда олиб борилаётган бунёдкорлик ҳамда амалий характерга эга сиёсатни юксак баҳолайди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 24 ноябрь куни бўлиб ўтади. Ўзбекистон ва Қатар раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммоларни муҳокама қиладилар. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

(ЎзА)

КОНСТИТУЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Бу йил Мустақиллик Қомуси — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси қабул қилинганига ўн саккиз йил тўлди. Ўтган тарихан қисқа давр мобайнида Конституциямиз ўз юридик тарихининг кўп асрлик ҳуқуқий анъаналари ва жаҳон тажрибасининг энг илғор жиҳатларини, энг мақбул принципларини ўзида мужассамлаштирганлигини амалда тўла намоён этди.

Юртбошимиз қайд этганидек: **"Ҳеч бир давлат ва жамият қурилишининг тамойилларини, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият тараққиётининг иқтисодий асослари ва стратегик йўналишларини мустаҳкамламасдан туриб, ҳақиқий суверен давлат бўла олмайди".**

(Давоми 2-бетда.)

МУНОСАБАТ

Шерзод ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси

ВАТАН ИСТИҚБОЛИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Шу кунларда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида баён қилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" нафақат жамоатчилик, балки жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турибди. Зеро, Концепциянинг ҳар бир бўлими мамлакатимиз истиқболини белгиловчи ўзига хос дастуриламалдир.

Конституциямизга киритиш таклиф этилаётган ўзгартишлар мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик янгиланишлар шодасида ўта муҳим бир бўғинни ташкил қилади ва юртимизни ўзимиз 1991 йилда танлаб олган тараққиёт йўлидан истиқбол сари илгарилаб боришига хизмат қилади. Концепцияда аҳолининг фаоллашувида катта ўрин тутган сиёсий партияларнинг ролини оширишга, Олий Мажлис палаталари фаолиятини такомиллаштириш, қонун устуворлигига берилган эътибор, шубҳасиз, мамлакатимизнинг биронта фуқаросини бефарқ қолдирмайди. Уларда Ватан истиқболи учун шу юртда яшовчи ҳар бир инсон масъулиятли экани ҳақидаги қатъият янада ёрқинроқ ифодаланган.

Бу масъулият фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган оммавий ахборот воситалари, хусусан, жамиятнинг виждони бўлган журналистлар фаолияти учун, айниқса, юксакдир.

Буни Концепциянинг "Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш" тўғрисидаги қисмида билдирилган фикрлар ҳам тасдиқлаб турибди. Давлатимиз раҳбари яна бир бора қайд этганидек, "...фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади".

(Давоми 4-бетда.)

ZIYONET

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

Ахборот асри дея таърифланаётган давримизда интернет имкониятларидан фойдаланиш бугунги ҳаётимиз, фарзандларимиз тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, юртимизда барча таълим муассасалари, ёшлар ташкилотлари, маънавият ва маданият масканларини интернет тармоғига улаш борасида кўплаб самарали ишлар амалга оширилаётгани диққатга сазовордир. Бу таъсирчан ахборот воситалари орқали ўзини бугуннинг зиёлиси, деб ҳисоблаган ҳар бир инсон илм-фан, маданият, адабиёт соҳасида кечаётган янгиликлардан баҳраманд бўлмоқда.

Таассуфки, кейинги пайтда интернет орқали бунёдкор ғоялар билан бирга маънавиятимизга салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлар ҳам кириб келаётгани кишини ташвишга солади. Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида "Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ахборот таълим тармоғини яратиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ZiyoNET ахборот-таълим тармоғи ташкил этилгани ёшлар қалбида покиза ахлоқ, юксак маънавият туйғуларини тарбиялашда айни муддао бўлди.

Бугунги кунда мазкур таълим тармоғи ўқув муассасаларини интернет тармоғига улаш, унда миллий ахборот-таълим ресурсларини шакллантириш учун қулай шароитларни яратиш, замонавий компьютер технологияларини таълим жараёнига жорий этиш борасида кўплаб ижобий ишларни олиб бормоқда. Марказ томонидан ишлаб чиқилган ZiyoNET тармоғининг ахборот-таълим портали ёшлар, талабалар, ўқитувчилар ва аҳолининг бошқа манфаатдор қатламларига мўлжалланган кенг қамровли ахборотни ҳам ўз ичига олади. Ушбу ресурс марказида электрон кутубхона мавжуд бўлиб, унда 16 мингдан ортиқ ўзбек, рус, қорақалпоқ тилларида бадиий, илмий-маърифий йўналишдаги адабиётлар жойлаштирилган. Ундан фойдаланувчилар дунёнинг турли чеккасидан туриб, ўзларига керакли маълумотларни олишлари мумкин. Қувонарли томони шундаки, *ID.Uz* сайти юртимиз бўйлаб ZiyoNET лойиҳаси доирасида яратилган электрон рўйхатдан ўтишнинг ягона тизими ҳисобланади. Бунда ҳар бир киши бепул рўйхатдан ўтиш ва тармоқ томонидан яратилган барча лойиҳаларда қатнашиш имкониятига эга бўлади. Ҳозирга қадар ана шу хизмат тармоғидан фойдаланувчилар сони 3 миллиондан ошди.

4 »

ОБУНА – 2011

Қадрли юртдошлар!

"HURRIYAT" газетасининг азиз муштарийлари!

"HURRIYAT" — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчиси, мамлакатимиз ҳурриятининг сарҳил мевасидир!

Хабарингиз бор, 2011 йил учун обуна давом этмоқда. Албатта, келгуси йил ҳам "HURRIYAT"ни мунтазам ўқиб боришингизга, биз билан ҳамфикр, ҳаммаслак бўлишингизга ишонамиз!

УНУТМАНГ, "HURRIYAT" СИЗНИНГ ДОИМИЙ МИНБАРИНГИЗ!

Эслатиб ўтамиз: "HURRIYAT"нинг нашр индекси — 233

ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР

Айни кунларда Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида XVI ёзги Осиё ўйинлари бўлиб ўтмоқда. Миллионлаб мухлисларнинг нигоҳи қадалган мазкур мусобақаларда қитъамизнинг қирқ бешта мамлакатидан ўн минг нафардан зиёд атлет спортнинг 42 тури бўйича 476 медаллар жамланмаси учун ўзаро беллашмоқда.



Биз учун эътиборли томони шундаки, XVI ёзги Осиё ўйинларида спортнинг 29 тури бўйича 224 нафар ўзбекистонлик йигит-қиз иштирок этмоқда. Жорий йилги мусобақа юртимиз спортчилари учун ниҳоятда муваффақиятли кечаётганини фахр билан таъкидлаш керак. Шу кунгача айрим вакилларимиз аллоқачон медалларни қўлга киритишди. Осиё ўйинлари совриндорлари деган шарафли номга спортчиларимиз орасида биринчилардан бўлиб дзюдочилар сазовор бўлди.

8 »

КОНСТИТУЦИЯ — ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

(Бошланиши 1-бетда.)

Конституциямиз биз орзу қилган демократик ҳуқуқий давлат қуриш, адолатли, очиқ ва кучли фуқаролик жамиятни шакллантириш учун, шундай ёруғ кунларга муносиб бўлиш учун бизнинг ўзимиз қандай хусусиятларга эга бўлишимиз кераклигидан сабоқ берувчи улуғ дорилфунун вазифасини шараф билан ўтамоқда. Унда ёзилган қоидалар фуқароларимизнинг кундалик ҳаётида тобора тўлароқ ўз аксини топмоқда.

Истиқлол йиллари Конституциямиз қай даражада пухта ва ҳаётий эканлигини яққол исботлади. Бу даврда **Ўзбекистонда конституциявий давлат қарор топди.**

Конституция, таъбир жоиз бўлса, ҳуқуқий билимларнинг алифбосидир. **Конституция — давлатни давлат, миллатни миллат қиладиган муҳим сиёсий-ҳуқуқий ҳужжат. У дунёнинг сиёсий харитасида янги мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг пайдо бўлганини қонуний мустаҳкамлади.**

Мустақиллик йилларидаги бутун туб демократик ўзгаришлар Конституция негизида кечди ва кечмоқда. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: **"жамиятимизда, ҳар қайси оила ва фуқаромиз ҳаётида қандай ижобий ўзгаришлар содир бўлаётган бўлса, буларнинг барчасини Конституциямизда белгилаб қўйилган талаб ва қоидаларнинг ҳаётимиздаги амалий ифодаси, деб қабул қиламиз".**

Конституция — узоқ йилларга мўлжалланган муҳим дастуриламал ҳуқуқий ҳужжат сифатида жаҳон цивилизациясининг буюк ютуғидир. Ҳеч бир демократик давлатни унингсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу ўринда Конституцияни тайёрлаш, муҳокама қилиш ва қабул қилишнинг ўзи оламшумул масала эканини алоҳида қайд этмоқчимиз.

Шу боис Конституциямизнинг яратилиш тарихига бир назар ташлайлик. Маълумки, **илк бор Ўзбекистонда янги Конституция ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғояси 1990 йил март ойида янграган эди.** Мустақиллигимиз эълон қилинишидан бирмунча вақт олдин, ўн иккинчи чақириқ Олий Кенгашнинг биринчи сессиясида собиқ иттифоқ таркибидаги республикамизда Президентлик лавозими жорий этилди, давлат рамзлари ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

1990 йил июнида Ўзбекистон Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясини эълон қилди ва унинг 12-бандида собиқ иттифоқда биринчи марта ушбу ҳужжат мамлакатимизнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлажаги қайд этилди.

Ўшанда Президент И.А.Каримов раҳбарлигида депутатлар, давлат ва жамоат арбоблари, мутахассислардан иборат 64 нафар аъзони ўзида жамлаган Конституциявий комиссия тузилди. Давлатимизнинг келажаги ва халқимизнинг тақдири кўп жиҳатдан Конституциямиз қандай бўлишига боғлиқ экани мазкур комиссия зиммасига нечоғли улкан масъулият юкланганидан далолат эди.

1990-1991 йилларда Конституциянинг учта муқобил концепцияси тайёрланди. Сўнг улардан энг мақбули танлаб олинди. У ҳам қайта-қайта таҳрир қилинди, мукаммаллаштирилди, маромига етказилди. Конституция ижодкорлиги борасида чет эл тажрибаси кенг ўрганилди. Дастлабки босқичнинг ўзида 97 та хорижий конституция қиёсий таҳлил этилди.

1991 йил 31 августда Олий Кенгаш Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Баёнот қабул қилди. Баёнотда таъкидландики: **"Бундан буён Ўзбекистон ҳудудида республика Конституцияси ва қонунлари шак-шубҳасиз устун деб эътироф этилади". Шу куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги асослари тўғрисида"ги конституциявий қонун ҳам қабул қилинди.** Ундан бўлажак Конституциянинг ўзак қоидаларини ўзида акс эттирган бир қатор муҳим моддалар жой олди.

1992 йил 26 сентябрда мустақил Ўзбекистон Конституциясининг биринчи лойиҳаси тайёр бўлди. Унинг устида тахминан икки йил давомида ишланди. Лойиҳа шу куни умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилинди. **Лойиҳа эълон қилингач, Конституциявий комиссияга фикр-мулоҳазалар билдирилган қарийб 600 та хат келиб тушди. Фуқаролар билдирган таклифлар сони 5 мингдан ошиб кетди.**

1992 йил 21 ноябрда лойиҳа иккинчи марта умумхалқ муҳокамаси учун газеталарда чоп этилди. Шундай қилиб, **ҳуқуқий прецедент — Конституция лойиҳасининг икки босқичли умумхалқ муҳокамаси юз берди**. Ушбу ҳолат, бир томондан, умумхалқ муҳокамаси иштирокчиларини фаоллаштириш учун қудратли рағбат вазифасини бажарган бўлса, иккинчи томондан, Асосий қонунимизнинг халқчиллигини таъминлади.

Ва ниҳоят, 1992 йил 8 декабрда Олий Кенгаш сессиясига муҳокама қилиш учун киритилган Конституция лойиҳасига 80 га яқин ўзгартишлар, қўшимчалар таклиф этилди ва аниқликлар киритилди. Парламент депутатлари томонидан лойиҳа моддама-модда муҳокама қилиниб, унга яна бир қатор ўзгартишлар киритилгач, Бош қомусимиз қабул қилинди.

Ҳар қандай давлатнинг Конституцияси унда яшовчи халқнинг иродасини, миллий руҳиятини, ижтимоий онги ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятини акс эттиради. Шу маънода, умумхалқ муҳокамаси, таҳрир ва тузатишлардан сўнг Конституция сезиларли даражада мукамаллашди, маромига етди ва биз ҳар куни самараларини кўраётган ягона миллий ғоя, истиқлол мафкураси, мантиқ ва асос йўналиш билан суғорилган фундаментал ҳуқуқий ҳужжат дунёга келди.

Бошқача айтганда, **халқнинг фикр хазинаси дурдоналари билан бойитилиши, сайқал топиши эвазига Конституциямиз том маънодаги халқчил Қомусга айланди.**

Бундай беқиёс ҳуқуқий салоҳият Конституциянинг яратилиши ва қабул қилинишида ғоят муҳим аҳамият касб этганини эҳтимол олдинига ҳеч ким тасаввур ҳам қилмаган бўлиши мумкин. Аммо ҳозирги кунга келиб бу ҳол ҳар қандай юксак баҳоларга муносиблиги кундек аниқ ва равшандир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз раҳнамолигида Бош қомусимизни қабул қилар экан, мустақил давлатимиз жаҳон ҳамжамиятига ўзининг демократик ғояларга, ижтимоий адолат тамойилларига амал қилишини, дунё томонидан тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига содиқ бўлишини баралла намоён этди.

Конституциямизнинг демократик моҳияти айнан нималарда намоён бўлади?

Биринчидан, Ўзбекистон Конституцияси тарихда синалган ҳамда халқаро ҳамжамият эътироф этган умуминсоний ва умумбашарий ҳуқуқий қадриятларни, ҳамда халқаро андозаларни ўзида мужассам этганлиги билан ҳақиқатан ҳам демократик Конституциядир.

Иккинчидан, Ўзбекистон Конституцияси тараққий топган давлатларнинг конституциявий тажрибасига таянган ҳолда яратилган. Бунда қайсидир давлатнинг тайёр Конституциясини кўр-кўрона кўчириб олиш йўлидан бормай, балки энг илғор хорижий конституциявий принцип ва қоидалар ўрганилди ва эътиборга олинди. Натижада эндиликда Бош қомусимиз дунё миқёсида ҳам ҳар қандай ривожланган давлат Конституцияси билан бемалол куч синашмоқда.

Учинчидан, Конституциянинг ғоя ва нормалари ўзбек халқининг теран тарихий илдизларига асосланган бўлиб, у кўп асрлик тажриба ва маънавий қадриятларни, улуғ аждодларимизнинг ҳуқуқий меросини ўз ичига олган. Конституциямиз умумий мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар Имом Бухорий ва Термизий, Форобий ва Мотуридий, Марғиноний ва Яссавий каби улуғ боболаримиз даврида, Соҳибқирон Амир Темур замонида шаклланган миллий тафаккурни ва ҳуқуқий қадриятларни ўзида тўла акс эттиради. Шу кўҳна замин одамлари кўнглида устувор бўлган адолат ва ҳақиқат, иймон ва олижаноблик, бағрикенглик ва мардлик, тантилик каби миллий менталитетимизга ва маънавиятимизга хос улуғ ахлоқий хислатлар Конституциямизда муносиб даражада ўз аксини топган.

Конституцияни яратишда унинг мазмун-моҳиятида фуқароларимизнинг ақиллиги, халқимизга хос одамийлик, умуминсоний қадриятларга ихлос каби ибратли сифатлар ўз аксини топиши учун интилинди. Унда юртимизга хос қардошлик ва дўстлик анъаналари, ўзининг бой ва теран тарихига эга бўлмиш халқларнинг ўзаро тотувлиги ва қўшничилиги принциплари ҳам муҳим ўрин тутади.

Конституциямиз эски тоталитар-мустабидлик тузумидан ўзини ҳаётда мутлақо оқламаган, касодга учраган, миси чиққан тизимдан воз кечиб, янги, замонавий ва эркин ҳаётимизни ҳар тарафлама ҳимоя этишимизга хизмат қилмоқда. Айни чоғда, адолатли ва инсонпарвар Асосий қонунни яратиш ва қабул қилиш қанчалик муҳим бўлмасин, бу жараён мамлакатимиз мустақил конституциявий ривожланишининг илк босқичи ҳисобланади, холос.



Конституция барқарор бўлиши керак, аммо у мутлақ ўзгармас, қотиб қолган догма ҳам эмас. У ҳаётга мос ва хос равишда, мамлакат тараққиётининг бурилиш паллалари ва халқ истак-хоҳишлари тақозосига кўра муайян тартибда ўзгартириб турилади. Бош қомусимизнинг ҳаётийлиги ҳам, аслида шунда. Шу боис икки мисол келтирамиз.

Биринчиси. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган умумхалқ референдуми натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш масаласини олиб кўрайлик. Ўз-ўзидан аёнки, агар ана шу натижалар, биринчи галда, Конституциямиз ва қонунчилигимизда ўзининг амалий ифодасини топмаса, ҳавода муаллақ ҳолда осилиб қоларди.

2002 йил 4 апрелда **"Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий қонун қабул қилинди**. Бу ҳуқуқий ҳужжат референдум натижаларини қонунчилик тилида ифодалаб — муҳрлаб берди ва Конституциямизга тегишли ўзгартиришлар киритишга асос бўлди ҳамда шундан сўнг Асосий Қонунимизнинг XVIII, XIX, XX, XXIII бобларига тузатиш ва қўшимчалар киритилди. Натижада парламент ваколатлари қонуний асосда кенгайди.

Иккинчиси. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган ва умумхалқ муҳокамасидан сўнг қабул қилинган **"Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий қонун** ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида"ги қонун сиёсий партияларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ролини кучайтириш, Ўзбекистоннинг сиёсий тизимини янада такомиллаштириш йўлида навбатдаги улкан ва муҳим қадам бўлди. Ушбу ўзгартиш ва тузатишлар ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштироки учун зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Шунингдек, ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини ўрнатди.

Кези келганда, қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига ҳавола этилгани бежиз эмаслигини таъкидламоқчимиз. Зеро, бу алоҳида муҳим ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамиятда кенг муҳокама қилиниши, бир томондан, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаолиятини кучайтиришга туртки бўлди, иккинчи томондан, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига кўмак берди.

Қолаверса, жамоатчилик орасида ушбу конституциявий ҳужжатлар мазмун-моҳияти ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган кенг қамровли тушунтириш ишларининг олиб борилиши жамиятда конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ишига хизмат қилди.

"Мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади", — деб таъкидлади Юртбошимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, **конституциявий-ҳуқуқий маданиятни шакллантириш инсон ҳуқуқларидан ажралмасдир.** Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқлар, эркинликлар ва мажбуриятларни тушунтириш ва тушуниб олишга бундан кейин ҳам жуда катта эътибор беришимиз лозим. Чунки ҳатто энг яхши қонун ҳам ўз-ўзича — қонунийликнинг дастлабки шарт-шароити, холос.

Конституциянинг нормаларини нима ҳаракатга келтиради? Албатта, қонунга итоатгўйлик. У, авваламбор, мансабдор шахсларнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам Конституцияни билишларини қатъий талаб этади.

Юртимизда демократик, конституциявий, ҳуқуқий тузумни мустаҳкамлаш, ижтимоий онгда Конституцияга, ҳуқуқ ва қонунга нисбатан ҳурматни ва конституциявий ватанпарварликни қарор топтириш — булар янгиланаётган Ўзбекистондаги мустақил конституциявий тараққиётнинг таркибий қисмларидир.

Айнан Конституцияга ҳурмат ва садоқат Ватанга ва ўз халқига садоқатни келтириб чиқаради. Бу эса жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишни, унинг маъносига етиб бориб, амалий ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришни тақозо этади.

Шу маънода, Конституцияни ўрганиш борасида Президентимиз 2001 йил 4 январда қабул қилган **"Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганишни ташкил этиш тўғрисида"ги фармойишининг** аҳамияти нечоғли юксак эканини эътироф этиш жоиз.

Эндиликда Конституциямиз болалар боғчаларидан бошлаб, мактабларда, академик лицей ва коллежларда, олий ўқув юртларида ўқитилмоқда. Мазкур Фармойиш талабларини бажариш йўлида бугунги кунгача ўнлаб дарслик, рисола ва махсус қўлланмалар тайёрланиб, ҳар икки имлода, бир неча тилда нашр этилгани айни муддаодир. Шундай қилиб, **мамлакатимизда Конституцияни ўрганишнинг узлуксиз тизими яратилди.**

Мухтасар айтганда, **Конституция — бу истиқлол ва мустақил Ўзбекистон рамзи.** Конституция биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур-ифтихор, шу заминда истиқомат қилаётган, миллати, тили, динидан қатъи назар, барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоя, демакдир.

Конституциямиз — Ўзбекистоннинг ўзлигини дунёга тўла намоён этишини таъминлаётган, мустақиллигини тасдиқловчи ноёб гувоҳнома.

Конституция — нафақат бугунги куннинг Қомуси, балки у эртанги кунимиз, қураётган адолатли фуқаролик жамиятимиз истиқболини аниқлаб берувчи дастуриламал ҳужжат, фарзандларимиз йўлини ёритиб турувчи маёқдир.

Юртбошимиз ўзининг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди.

Акмал САИДОВ,
юридик фанлар доктори, профессор

БУГУННИНГ НАФАСИ

ТОШКЕНТ. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари Қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилиш Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис Палаталари қўшма мажлисида сўзлаган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасининг муҳокамаси ва унда белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқадиган долзарб вазифаларга бағишланди. Унда депутатлар, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш, матбуот ва ахборот агентликлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон ОАВ Миллий ассоциацияси, Мустақил босма ОАВ қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, марказий босма нашрлар раҳбар-ходимлари, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари иштирок этишди.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида Амалга оширилаётган тадбирлардан бири «уй шароит»да таълим олишга зарурати бор болаларни излаб топиш ва уларга ёрдам беришдан иборат. Яқинда Тахтакўпир туманидаги 1-сонли мактабнинг уй шароитида таълим олаётган ўқувчиси Д. Ҳабибуллаевга ҳам компьютер ва ўқув дарсликлари бепул топширилди. Ҳудудда бу каби хайрли ишлар мунтазам давом эттирилмоқда.

БУҲОРО. Галаосиё педагогика коллежининг 150 нафар учинчи босқич талабалари ўртасида "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" мавзуида бадиий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Кечада фаол иштирок этиб, ўз маҳоратини намойиш этган талабалар қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

ЖИЗЗАХ. Воҳанинг соҳибкор деҳқонлари етиштирган ширин-шакар мевалар, полиз ва сабзавот маҳсулотлари дунё бозорларида ҳам харидоргир ҳисобланади. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида хориж давлатларига қарийб 18 миллион АҚШ доллари миқдорида мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт қилинди.

НАМАНГАН. Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси вилоят аҳли томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Барча ташкилот, корхона, муассаса ва олий ўқув юртларида маърузанинг мазмун-моҳияти, ундан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган йиғилишлар бўлиб ўтяпти. Уларда вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган профессор ўқитувчилар, сиёсатшунос олимлардан ташкил топган тарғибот гуруҳи фаол иштирок этмоқда.

САМАРҚАНД. Вилоятнинг халқ таълими тизимида "Устоз-шогирд" мактабини ташкил этиш борасида ўқув семинарлари бўлиб ўтмоқда. Бугунгача мактаб муаллимлари учун 28 та ўқув машғулотлари уюштирилди.

СУРХОНДАРЁ. Маннон Уйғур номидаги вилоят мусиқали драма театрида "Оналар куйлаганда" республика кўрик-танловининг минтақавий босқичи ўтказилиб, унда Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари иштирокчилари қатнашдилар. Миллий ижрочиликнинг лапар, ўлан, алла, айтишув, ёрёр каби йўналишлар бўйича аниқланган ғолибларга ташкилотчилар томонидан таъсис этилган махсус дипломлар ва танловнинг республика босқичига йўлланмалар топширилди.

ФАРҒОНА. Вилоят хотин-қизлар қўмитасининг ташаббуси билан шаҳар маиший хизмат ва педагогика коллежида "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан" танловининг вилоят босқичи якун топди. Танлов кўргазмасидан 150 турдан ортиқ дўппи ва либослар жой олди. Танлов ғолиблари республика босқичида иштирок этадилар.

ХОРАЗМ. Урганчдаги "Хоразм палас" меҳмонхонасининг мажлислар залида Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ва Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқшунослар малакасини ошириш маркази ҳамкорлигида "Одил судловни амалга оширишда халқаро стандартлар: амалда татбиқ этиш масалалари" мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоятнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таълим олаётган, кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож, иқтидорли, жамоатчи талаба ва ўқувчиларни моддий ва маънавий рағбатлантириш мақсадида республика таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси ташкилотлари томонидан "Касаба уюшмаси стипендияси" жорий этилган эди. 2010-2011 ўқув йилида ушбу стипендияга 20 нафар талаба сазовор бўлди.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ ТАҲЛИЛИ

■ ТАФСИЛОТ

Яқинда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида «Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш чора-тадбирлари дастури»нинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши» мавзуидаги конференция бўлиб ўтди.

...Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кўпгина мамлакатларда сезиларли асорат қолдиргани дунё матбуотида кенг ёритилмоқда. Айни пайтда унинг асорати айрим давлатлар иқтисодиётини ночор аҳволга солиб қўйди. Йирик-йирик корпорациялар таназзулга юз тутди. Минглаб одамлар ишсиз қолди. Вазиятдан чиқолмаётган нуфузли компаниялар ҳали ҳануз фаолиятини тўлиқ изга сололгани йўқ...

Тўғри, инқироз мамлакатимизни муайян даражада четлаб ўтмаган бўлса-да, унинг таъсирини имкон қадар юмшатишда давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асари ниҳоятда қўл келди. Асар асосида қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури эндиликда дастуриламал вазифасини ўтамоқда. Масалан, инқироз «соя» солиб улгурган мамлакатлардаги каби бизда инфляция даражасининг ўсиши ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши юз бермади. Инвестицион фаолиятнинг сусайиши, ишсизликнинг ошиши, аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларнинг кескин пасайиши сингари нохуш ҳоллар кузатилмади. Аниқроғи, уларнинг олди олиниб, иқтисодиётнинг барқарор, мувозанатли ва муттасил ривожланиши сақланмоқда.

Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган эркин бозор иқтисодиётига ўтишнинг машҳур беш тамойили эндиликда дунё миқёсида эътироф этилаётган Ўзбек моделининг асосини ташкил этаётганлиги яна бир бор ўз исботини топди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг мамлакатимизда 2010 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари тўғрисидаги маълумотномасида келтирилган мана бу рақамларни жаҳон бўйлаб кезаётган молиявий-иқтисодий танглик оқибатлари нуқтаи назаридан таҳлил қилсак иқтисодий ўсиш 8,3 фоиз, саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш 8,3, истеъмол товарлари 12, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 7,8, қурилиш ишлари 9, чакана савдо 12,2, пуллик хизмат кўрсатиш 10,3 фоизга ўсгани кузатилади. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Инфляция даражаси 4,2 фоизни ташкил қилди ва прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида бўлиб ўтган конференцияда шундай мавзудаги таҳлилий материаллар, хабарлар республикамизнинг «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Адолат», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти», «Ишонч», «Uzbekistan Today», «Хуррият», «Биржа», «Деловой партнер. Уз», «Бизнес-вестник Востока», «XXI аср», «Новости Узбекистана», «Жамият», «Ташкентская правда», «Тошкент ҳақиқати», «Вечерний Ташкент», «Тошкент оқшоми» каби марказий нашрларида ўтган ўн ой мобайнида 200 га яқин материаллар чоп этилгани мамнуният билан қайд этилди. Шунингдек, мавзунинг ёритилишида йўл қўйилаётган айрим камчиликлар, сиёсий-ижтимоий қамровли таҳлилий мақолаларнинг камлиги, мазмун ва мундарижадаги саёзликлар ҳам рўй-рост айтиб ўтилди.

Хусусан, мазкур анжуманда ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш борасидаги (маҳаллий ҳамда хорижий тажрибаларга асосланган) таҳлилий мақолаларга кўпроқ ўрин ажратиш — миллий ОАВмиз олдида турган энг муҳим вазифалар эканлиги юзасидан берилган тавсиялар фойдадан холи бўлмади.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
"Hurriyat" мухбири

ФАОЛИЯТ

ИХТИРОЧИЛИК ВА ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Инсоният тафаккури маҳсули — ихтироларнинг амалиётга киритилиши жуда қадимий жараён бўлиб, у милоддан аввалги X-VIII мингйилликдан то ҳозирги — XXI аср — интеграл цивилизацияга қадар жуда узоқ ва шарафли йўлни босиб ўтди. Технологик босқич — камон ва унга ўқ, меҳнат қуроллари ясашдан — машинасозлик, артиллерия, авиация, ядро қуроли, компьютер, интернетгача; экологик босқич — ерга ишлов беришдан ирригация, буюк географик кашфиётлар, коинотга чиқиш, ген инженериясигача... Қўйингки, инсон асрлар мобайнида ўз турмуш тарзини, шарт-шароитини янада яхшилаш учун изланишдан ва ихтирочиликдан чарчамади.

1973 йилда «Моторола» компанияси бош муҳандиси Мартин Купер биринчи марта мобиль телефонда гаплашиб, симсиз алоқа орқали инсониятнинг орзулари ушалишига йўл очганди. Бугунги кунда эса жаҳоннинг миллионлаб аҳолиси мобиль телефонда гаплашаётир. Айни пайтда кундалик ҳаётимизни мобиль телефонларсиз тасаввур этишнинг ўзи қийин бўлиб қолди. Одамларнинг мушкулини осон қилган битта ихтиронинг кучи ҳам ана шунда.

Модернизация жараёнларини бошдан кечирган АҚШ, Германия, Япония сингари саноати тараққий этган давлатларда ялпи ички маҳсулот ўсишининг 80-95 фоизи техника ва технологияларда ўз ифодасини топган янги билимлар ва инновациялар улушига тўғри келаётир. Бунда янги ғоялар, технологияларнинг интеллектуал мулк сифатида эътироф этилиши, патентларнинг мунтазам равишда берилиши ва мақбул тизимнинг йўлга қўйилгани фирма ва компанияларга маҳсулот бозорида маълум вақт ўз мавқеларини яхшилаш имконини бераётир. Айниқса, Япония инновацион моделини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жаҳондаги маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг кўпчилиги Японияннинг just-in-time (айнан шу муддатда) ва kaizen (товар етказиб бериш занжирларини такомиллаштириш) тажрибасини ўрганиб, уни пухта эгаллашга ҳаракат қилишмоқда. Америка ва Европа тадбиркорларининг ҳарчанд уринишларига қарамасдан, улар патентларни тез жорий қилиш, инновацион ривожланиш ва маҳсулотларнинг технологик рақобатбардошлиги жиҳатидан кунчиқар юрт даражасига етиша олмаяптилар. Негаки, Японияда инновацион маҳсулотларни ишлаб чиқиш, уни амалиётга татбиқ этиш бошқаларда бўлганидек, ихтирочилар ҳамда товар ишлаб чиқарувчиларнинг алоҳида ташаббуси билан эмас, балки ихтирочилар ва товар истеъмолчилари томонидан баҳамжиҳатликда яратилади.

Кейинги ўн йилликларда илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг муҳим натижаси бўлган патент соҳасига бозор муносабатларининг кириб келиши бу йўналишга тадқиқотчилар, бизнесменлар ва кенг жамоатчиликнинг қизиқишини орттирмоқда. Инновация жараёнларининг биринчи босқичи бўлган патентлаштиришга эътибор ошишининг иккита омили мавжуд: биринчидан — патент интеллектуал мулкни моддийлаштиради, энг ишончли муҳофазасини тақдим этади ва ҳар қандай катта-кичик корхонанинг иқтисодий ривожига ижобий таъсир ўтказади, иккинчидан — патент маълумот базаси, ахборот хазинаси сифатида рақобатчилик "разведка"-синининг қудратли қуролига айланади. Шу боис, ривожланган мамлакатлардаги йирик компанияларнинг патент портфеллари сир сақланади. Негаки бу активлар даромадни аниқлаш, бозорларни эгаллаш, ушлаб туриш, рақибларни айланиб ўтиш ва бозорда улардан устун келишда асқотади.

Ўзбекистон шароитида патент ёки гувоҳнома олишни хоҳлаган жисмоний ёки юридик шахслар талабномаларини Давлат патент идорасига топширадилар. Талабнома берувчилар ихтиро ёки фойдали моделнинг тавсифи ва формуласини баён этишлари, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун товарлар рўйхатини тузишни билишлари лозим. Аммо кўпгина йирик илмий ташкилот, ўқув муассасалари ва саноат корхоналарининг вакиллари бу борада етарлича тушунчага эга эмаслар. Шу боис Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олдида "Инновация менежменти" бўйича мутахассисларни навбатма-навбат тайёрлаб бориш вазифаси турибди, десак янглишмаймиз. Бу кадрлар биринчи навбатда интеллектуал мулк бозорини шакллантириш учун беминнат хизмат қилишади.

Биз узоқ асрлар жаҳон тиббиёти, математикаси, фалсафасига катта ҳисса қўшган илм-маърифат намояндаларининг фарзандлари эканимизни ҳисобга олсак, олдимизда нечоғли катта вазифалар турганини унутмаслигимиз лозим.

Бугунги кунга келиб Ўзбекистон ҳам бу соҳада катта босқичларни босиб ўтди. Мамлакатимизда ҳозиргача интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш бўйича 8 та давлатлараро, 10 та ҳукуматлараро, 17 та идоралараро шартнома ва битимлар тузилиб, амал қилмоқда. Булардан ташқари, тўғридан тўғри-ишлайдиган 5 та қонун, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтказилган умуммажбурий характердаги 15 та ҳужжат, ҳаммаси бўлиб идора фаолиятини тартибга солади-ган 140 дан зиёд норматив ҳужжатлар рўйхатга олингани-ни қайд этиб ўтмоқчимиз.

Ўзбекистонда инновацион фаолиятни янада жадаллаштиришга қаратилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. 2008 йилнинг 15 июлида Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Инновацион лойиҳалар ва технологияларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилишини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Бу тарихий қарор Давлат патент идорасининг зиммасига ҳам катта вазифаларни юклаб, яқинда патентлаштирилган истиқболли ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари ва товар белгиларининг амалиётга жорий этилиши, ғоя — ишланма-товар маҳсулоти сифатида саноатнинг реал секторидан ўрин олишига кенг имкониятлар яратиб бериши шубҳасиз. 2009 йилдан бошлаб Давлат статистика қўмитасида йиллик "Инновацион фаолият тўғрисида ҳисобот"нинг янги шакли қабул қилингани мақсадга мувофиқ бўлди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Давлат патент идораси томонидан "Ўзбекистон Республикасининг истиқболли ихтиролари" тўплами илк марта чоп этилди ва манфаатдор ташкилотларга амалиётда қўллаш учун юборилди. Унда 2009 йилда давлат рўйхатидан ўтган юзта энг истиқболли ихтироларнинг моҳияти, фойдаланиш соҳаси ва иқтисодий самарадорлиги кўрсатиб берилган.

Аниқ факт ва рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Давлат патент идораси 1992 йилнинг 1 октябридан 2010 йилнинг 1-чорагига қадар, яъни ташкил қилингандан бери интеллектуал мулк объектларига 97,2 минг талабномани қабул қилди, Давлат экспертизаси текшириши ва хулосаларига биноан интеллектуал мулк объектлари Давлат реестрларида 33 мингта объект рўйхатдан ўтказилди. Давлат патент фондини шакллантириш Давлат патент идорасининг бош вазифаларидан бири бўлиб, у мустақиллик йилларида 16 миллиондан 66,8 миллиондан кўпроқ сақлов бирлигидаги нусхагача, яъни 4,2 мартага кўпайган. Уларнинг 78 фоизидан ортиғи оптик дисклардир. Шунингдек, идорада ахборот ва қидирув тизимлари, хизматлар кўрсатиш, иш юритиш тўла компьютерлаштирилган. Шундай қилиб, миллий патент тизимининг яратилгани, унинг халқаро ташкилотлар билан уйғунликда фаолият олиб бораётгани инновацион тадбиркорликда илмий-техникавий янгиликларнинг татбиқ этилишига кенг шароит яратиб бераётир. Ўзбекистонда бугунги кунда жаҳон андозалари талабларига мос келадиган интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш тизими шакллантирилган ва у муваффақиятли амал қилмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, ихтирочилик ва инновация келгусида Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиётида устувор соҳалардан бирига айланиши турган гап. Республикада инновацион фаолиятга оид қонунчилик базаси, инновацион инфратузилманинг яратилиши, инновацион муҳит ва иқтисодий манфаатдорликнинг барпо этилиши ушбу соҳанинг тизимли, самарали ишлашига ҳамда миллий иқтисодиётнинг тараққиётига хизмат қилади.

Бахтиёр ОМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директори

ТАҲРИРИЯТГА МАКТУБ

«Hurriyat»га обуна бўлдим

Шу кунларда матбуотчилар учун ҳам, газетхон учун ҳам маъсулиятли палла — даврий нашрларга обуна жадал давом этмоқда. Албатта, ҳар бир муштарий олдида танлаш имконияти жуда катта. Юзлаб номда ва мазмундаги газета-журналлар орасидан ўзингга ёққанинигина танлаб олиш мумкин. Ўқитувчи бўлганим боис, аввало, касбимга доир нашрларга обуна бўлишга ҳаракат қиламан. Бу нашрлар йил давомида иш жараёнимда қўлланма сифатида асқотиши мумкин. Аммо ҳар қандай вазиятда камида ўн йиллик маънавий ҳамроҳим — «Hurriyat»ни унутиб қўймайман. Шунинг учун бу йил ҳам йиллик анъанани бузмаган ҳолда севимли газетамга биринчилар сафида обуна бўлдим.

Очиғи, «Hurriyat»ни ҳар гал алоҳида иштиёқ билан қўлга оламан. Бошқа нашрлардан тополмаганларим — долзарб мавзулардаги чиқишлар, таҳлилий материалларни ундан топишимга ишонаман. Айниқса, маънавий-маърифий, тарихий мавзулардаги мақолалар, жаҳон ва ўзбек адабиёти дарғалари тўғрисидаги материаллар чоп этилган сонларни алоҳида сақлашга ҳаракат қиламан. Чунки матбуотнинг машҳурлар, тарихий шахслар ҳақидаги ҳар қандай чиқишлари тарихнинг бир бўлагидир. Балки ўзим тарихчи бўлганим учун ҳам шундай фикрга бораётгандирман.

Шу ўринда кўп йиллик муштарий сифатида «Hurriyat»чиларга бироз гина ҳам қилиб ўтсам, оғир ботмасин. Кейинги пайтларда севимли газетамиз саҳифаларида танқидий-таҳлилий материаллар сийраклашиб қолаётгандай. Ваҳоланки, «Hurriyat» ўзининг ўткир танқидий чиқишлари билан газетхонлар эътиборига тушган нашрлардан саналади. Мен газета ижодкорларига обуна мавсумини муваффақиятли ўтказиб олишларини тилаш баробарида газетанинг 2011 йилги сонларида улардан кўплаб долзарб мавзулардаги танқидий-таҳлилий мақолаларни кутиб қоламан.

Менглимурод МУҲАММАДИЕВ,
Бойсун маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси

ҚАРОР ВА ИЖРО

Қишлоқ аёли

СОҒЛИҒИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРИМИЗДА

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб, юртимизда она ва бола саломатлигига давлат сиёсати нуқтаи назаридан эътибор берилаётгани, мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеяси Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқида алоҳида таъкидлаган дунёни ташвишга солаётган оналар ўлими мамлакатимизда 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайганлиги, ўртача умр кўриш 67 ёшдан 73 ёшга, аёлларнинг умр кўриши эса 75 ёшгача ошгани соҳага оид чора-тадбирларнинг улкан самарасидир.

"Республиканинг қишлоқ туманларида оналар ва болаларнинг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори бу борадаги эзгу амалларнинг изчил давом этаётганидан дарак беради. Инчунун, кенг жамоатчиликка, айниқса, балоғат ёшидаги қизлар ва ҳомиладор аёлларга поливитаминлар комплексини истеъмол қилишнинг муҳимлиги ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини олиб бориш қарорнинг асосий бандларидан бири ҳисобланади. Бу вазифани бажаришда республика Репродуктив саломатлик марказининг ҳам ўз ўрни бор.

Марказнинг директор ўринбосари Феруза РАҲМАТУЛЛАЕВА билан қарор ижроси бўйича қилинаётган ишлар хусусида суҳбатлашдик:

— Қишлоқ аёли деганда кўз олдимизда мунис, меҳнаткаш сиймо гавдаланади. Дарҳақиқат, уйимжойим деб яшайдиган аёлларимизнинг баъзан ўз соғлиғи ҳақида қайғуриши лозимлиги хаёлидан кўтарилиб қолади. Сиз соҳа мутахассиси сифатида саломатликларини мустаҳкамлашлари учун уларга қандай тавсиялар берган бўлардингиз?

— Аёл — миллат давомчиси. У ҳаёт барқарорлигини таъминловчи зотдир. Шунинг ўзи унинг нақадар иззатга, асраб-авайланишга муносиб эканини кўрсатиб туради. Аёлни эъзозлаш эса, аввало, унинг саломатлигига ғамхўрлик қилишдан бошланади. Шундай экан, мунис опа-сингилларимизнинг соғлиғига жамиятнинг ҳар бир бўғини — ота-оналари, турмуш ўртоқлари, фарзандлари, набираларигача — ҳаммаҳамма бирдек масъул. Шу боис ҳам биз тарғибот-ташвиқот ишларини нафақат аёллар орасида, балки оилалардаги асосий шахс эркаклар даврасида ҳам олиб боришимиз лозим, деб ўйлайман. Агар эркаклар аёлининг репродуктив саломатлиги нафақат ўзининг, балки туғилажак фарзандларининг ҳам ҳар томонлама бенуқсон бўлиб вояга етишида муҳим аҳамият касб этишини англаб етишса, рафиқаларининг соғлиғига эътиборини янада кучайтиришади. Шу боис ҳам мен юртимизнинг турли гўшаларида аҳоли ўртасида ўтказаётган учрашувларимизда аёллар билан бир қаторда уларнинг турмуш ўртоқлари ҳам иштирок этишининг тарафдориман. Оила бошлиғи аёли ва фарзандларининг саломатлигига бефарқ бўлмаса, келгуси авлодларининг баркамоллиги йўлида ҳам пойдевор ҳозирлайди. Умуман олганда, ҳомиладор аёлларнинг репродуктив саломатликларини мустаҳкамлашда уларнинг ҳам ўрни катта.

Соғлом фарзандни дунёга келтиришни хоҳлайдиган аёл соғлом турмуш тарзига доимий риоя қилиши лозимлиги барчага яхши маълум. Демак, аёлнинг атрофидагилари унга муносиб шароит яратиб бериш масъулиятини ҳис қилишлари лозим. Айниқса, қишлоқ аёллари бутун ўй-ташвиши билан уй-рўзғор юмушларига шўнғиб кетишадики, ҳолдан тойиб, йиқилмагунча шифокорга учраш лозимлиги хаёлларига ҳам келмайди. Ҳатто ҳомиладорлик даврида ҳам оғир юмушларни бажараверишёки ҳаёт тарзини бефарқ ўтказишда давом этишади.

— Яқинда қабул қилинган қарорда ҳомиладор аёллар поливитаминлар комплекси билан бепул таъминланиши айтиб ўтилган. Айтингчи, тавсия этилаётган поливитаминларнинг ҳомиладор оналар ва уларнинг туғилажак фарзандлари соғлиғига қандай таъсири бор?

— Ушбу поливитаминлар комплекси таркибида ҳомиладор аёл ва унинг туғилажак фарзанди учун зарур бўлган кўплаб озуқалар, бир қанча касалликларнинг олдини олувчи моддалар мавжуд. Уларни истеъмол қилган аёл ҳомиладорлик даврида пайдо бўлиши эҳтимол тутилган нохуш ҳолатларнинг олдини олиш билан бирга бу даврнинг хавфсиз кечишига ҳам эришади. Бу — унинг ўз соғлигига путур етказмай, фарзандини хавф-хатардан холи тарзда дунёга келтириш имконияти ошади, дегани.

Яна бир гап. Халқимиз орасида "Ҳомиладорликнинг дастлабки ойларида шифокорга учрамаслик керак" деган қараш ҳалиҳамон йўқ эмас. Аслида эса ҳомиладорликнинг дастлабки уч ойи энг муҳим давр бўлиб, бу пайтда эмбрионнинг барча аъзолари шакланиш жараёнида бўлади. Ана шу даврда шифокор тавсиясига биноан қилинган тўғри парвариш боланинг ҳар томонлама соғлом ҳолда дунёга келишида муҳим роль ўйнайди. Шу боис ҳам поливитаминлар комплексини қабул қилиш ҳомиладорликни илк ойида витаминларни қабул қилиш қанча илгари бошланса, шунчалик унинг фойдаси кўпроқ бўлади. Бошқача айтганда, витаминларни истеъмол қилишнинг биринчи босқичи олтмиш кун бўлиб, ундан сўнг икки ой танаффус қилинади. Сўнгра яна уч ой мобайнида мунтазам истеъмол қилиш тавсия этилади.

Умуман олганда, келгуси йилдан бошлаб республикамизнинг қишлоқ туманларида яшайдиган ҳомиладор аёллар учун бепул тарқатилиши режалаштирилган поливитаминлар махсус комплекслари келгуси авлодларимизнинг соғлом туғилиши ва вояга етиши йўлида самарали натижа беради, деб ўйлайман.

— Бу борада қандай тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилмоқда?

— Биринчи галда аҳоли билан ўтказилаётган бевосита учрашувларда тўлақонли маълумотлар берилмоқда. Сир эмаски, ўсмир ва вояга етаётган қизларнинг ҳам репродуктив саломатлик борасидаги билимларини ошириш келажакда юзага келиши мумкин бўлган кўплаб кўнгилсизликларнинг олдини олишда кўл келади. Бунинг учун эса касб-ҳунар коллежлари, академик лицейларда таҳсил олаётган ўқувчи қизлар, олийгоҳ талабалари орасида ҳам кенг миқёсдаги тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқ. Маълумки, бу ишларни ўзида акс эттирган тизим юртимизда аллақачон йўлга қўйилган. Ғалдаги вазифа ташкил этилаётган учрашувларда уларни поливитаминлар комплексларининг афзалликлари хусусидаги маълумотлардан хабардор этиб боришдир. Қолаверса, оммавий ахборот воситаларининг бу борадаги ўрни ниҳоятда катта. Қарорда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармаси, оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, маҳаллий телевидение, радио ва газеталар орқали аҳоли ўртасида поливитаминлар комплексларини қабул қилиш, ҳомиладор аёлларнинг репродуктив саломатлигини ва уларнинг бўлажак фарзандлари соғлигини мустаҳкамлашда муҳим восита эканини кенг тушунтириш ўз самарасини беради, албатта. Асосийси, тарғибот ишлари оддий одамларга тушунарли бўлган содда тилда олиб борилиши керак.

«Hurriyat» мухбири Ситора ТОЖИДДИНОВА суҳбатлашди

ВАТАН ИСТИҚБОЛИ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

(Бошланиши 1-бетда.)

Бу мақсад йўлида юртимизда истиқлолга эришилган дастлабки йиллардан бошлабоқ кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сўнгги ўн йилда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилди. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга тўла мос келадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилиб, 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Айни пайтда қонунчиликни янада такомиллаштириш борасида иш олиб борилмоқда, қатор қонун ҳужжатларига киритилган конструктив ўзгартиш ва қўшимчалар бунинг далилидир. Бу эса янги сиёсий шарт-шароитларда оммавий ахборот воситалари соҳасидаги демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришни таъминламоқда.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси сифатида давлат ва жамоат ташкилотларининг газета-журналлари, ахборот агентликлари қаторида фуқаролик жамияти қурилиши ва мамлакатни демократлаштиришнинг муҳим омилларидан бўлган нодавлат ОАВ тизими шаклланган ва шитоб билан ривожланиб бораётганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Бироқ шуни ҳам қайд этиш керакки, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида айнан нодавлат ОАВ учун жаҳон ва мамлакат ахборот муҳитида ўз фаолиятини ривожлантириш осон кечмайди. Шу сабабли ҳам биринчи навбатда нодавлат оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш мақсадида бир қанча жамоат ташкилотлари ташкил қилинди. Ўз таркибида 100 дан ортиқ электрон оммавий ахборот воситасини бирлаштирган Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди шулар жумласидандир.

Яна шуни ғурур билан айтиш жоизки, бугунги кунда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали мамлакатимиз ҳаётидаги янгиланишлардан дунёнинг турли минтақалари аҳолиси воқиф бўлмоқда. Худди шунингдек, юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида узатилмоқда. Маърузада қайд этилганидек, дунёдаги етакчи мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш миллий тизимининг такомиллаштирилиши ахборот соҳасидаги фаолиятнинг сифати ва савиясини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида кўп жиҳатдан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Бундай кенг миқёсдаги ишлар натижасида фақат кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд босма матбуотнинг 50 фоиздан кўпроғи, эфирга чиқаётган телестудияларнинг барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 86 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари экани алоҳида эътиборлидир. Яна бир муҳим янгилик эфир орқали узатиладиган материалларни тайёрлаш жараёнига замонавий рақамли ва мултимедиа технологиялари жорий қилинаётганида намоён бўлмоқда.

Албатта, мамлакат медиамуҳитида эришилган бу каби ютуқ ва самаралар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ, шу билан бирга ОАВ фаолиятининг жамият ҳаётидаги муҳим ўрнини инобатга олганда мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида амалга оширилган кенг кўламли ишларни танқидий-таҳлилий баҳолашимиз ва такомиллаштиришга эътибор қаратишимиз зарур.

Давлатимиз раҳбари бу ҳақда тўхталар экан, муҳим бир масалага алоҳида эътибор қаратди: Яъни, оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолияти устидан назорат қилишнинг иқтисодий механизмларини, ахборот манбаларининг ёпиқлигини, шунингдек, таҳририятларга ҳокимият органлари ва маъмурий тузилмалар томонидан бўлаётган маълум даражадаги босимларни бартараф қилиш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича қатор чора-тадбирларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этишини таъкидлади. Хусусан, Юртбошимиз қайд этганидек, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида» Қонун қабул қилиниши фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиб бериш билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини ҳам кўп жиҳатдан кучайтиради. Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлашини назарда тутади. Худди шунингдек, ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонун қабул қилиш ҳақида таклиф киритилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш имконини беради.

Оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш мақсадида ишлаб чиқилиши таклиф этилаётган «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар эса ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш ва миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Шу билан бирга ҳозир амалда бўлган ва бугунги кун талаблари доирасида такомиллаштирилишига эҳтиёж сезилган қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилмоқдаки, булар ҳам юртимиз оммавий ахборот воситалари фаолиятини жаҳон андозалари даражасида ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади ва ОАВнинг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Хўш, бу жараёнда ОАВ ва улар фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган медиатузилмаларнинг ўрни қандай, деган ҳақли савол туғилади. Албатта, давлатимиз раҳбари тақдим этган концепциядан келиб чиққан вазифалар ва уларнинг мазмунмоҳияти аввало, ҳар бир ОАВ журналистлар фаолияти учун дастуриламал бўлмоғи даркор.

Концепциянинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳам муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Улар доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатасининг тегишли қўмиталари, шунингдек қатор медиа тузилмалар билан ҳамкорликда пойтахтимиз ва мамлакатимиз ҳудудларида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ва бошқа тарғибот тадбирларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Мақсад — ОАВ фаолиятини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан олиб борилаётган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, журналистлар малакасини ошириш, дунёқараши, билим-кўникмалари кўламини кенгайтириш, бу орқали мамлакатимиз фуқароларининг холис ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, улар ҳаётида маънавий бўшлиққа йўл қўймаслик, ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашга ҳисса қўшишдир.

Зеро, юртимизнинг ҳар бир фуқароси каби журналистлар ҳам ўзига: "Мен жамиятдан нима олдим эмас, мен жамият, мамлакат тараққиёти учун нима қила олдим?" деган саволни берса ва бу саволга ўз ижод маҳсуллари билан ижобий жавоб топа олса, шу уларнинг Ватан олдидаги муқаддас бурчини бажарганидир.

ЖУРНАЛИСТЛАР УЧРАШУВИ

Журналистика мураккаб соҳа. У мунтазам равишда янгиланишни, ўзаро тажриба алмашиб туришни тақозо этади. Шу боис юртимизда фаолият юритаётган оммавий ахборот воситалари ходимлари, республикамизнинг етакчи журналистлари ўзаро фикр алмашиш, соҳада кечаётган ўзгаришларни таҳлил қилиш, бир-бирларининг ютуқ ва камчиликларини ўрганиш мақсадида тез-тез учрашувлар ташкил этиб келишади. Ана шундай учрашув "Hurriyat" газетаси таҳририятида бўлиб ўтди. Унда Фарғона вилоятидан ташриф буюрган қатор газеталарнинг бош муҳаррирлари, уларда меҳнат қилаётган иқтидорли журналистлар ҳамда таҳририят ходимлари иштирок этди.

Самимий мулоқот тарзида ўтган ушбу учрашувда журналистика соҳасида эришилаётган ютуқлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси, қонун устуворлиги каби кўплаб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом СУЛТОНОВ

БУРЧ

"Бугунги кунда барчамизнинг олдимизда ғоят муҳим вазифа турибди. Бу — табиатни ҳозирги ва келажак авлодлар учун сақлаб қолиш, уни бизнинг минтақамиз ва бошқа минтақалар аҳолисининг турмуш шароити ва табиатдан фойдаланиш имкониятларини янада мураккаблаштирадиган янги хавфли лойиҳалардан асрашдан иборатдир".

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ўрта Осиёнинг Трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш" мавзуидаги халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мактубидан.

ТАБИАТ ОНА БЎЛСА...

Атроф-муҳитга муносабат ҳар бир инсоннинг виждон иши. Бу ишда журналистларнинг бурчи ва вазифаси бўлакча. Чунки улар ёзган мақолалари орқали жамоатчиликда она табиатга нисбатан меҳр, ижобий муносабат ҳисларини уйғотиши, инсон имкониятини табиатни муҳофаза этишга сафарбар қила олади.

Ўзбекистон Ахборот агентлиги (ЎзА)нинг Жиззах вилояти бўйича мухбири Тошқул Бекназаровнинг бу борадаги ибратли ишлари ҳамкасбларимизга ўрнак бўларли. У вазифасига сидқидилдан ёндошгани боис, Мустақиллигимизнинг 19 йиллиги арафасида Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Ҳамкасбимиз билан суҳбатимиз она табиат хусусида кечди.



— Тошқул Эшонқулович, Сиз экотуризм билан боғлиқ масалалар ҳақида бир қанча мақолалар ёзгансиз. Ҳатто МДҲ қаламкашлари ўртасида ўтказилган ижодий танловда учинчи ўринга муносиб деб топилдингиз. Айниқса, Нурота, Қизилқум ҳудудларидан ёзган мақолаларингиз жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотган эди...

— Ўзим табиат ҳақида ёзишни яхши кўраман. Уни авайлаб-асраш билан бир қаторда она табиат бағрида умргузаронлик қилаётган одамларнинг талабини ҳам унутмаслигимиз лозим. Ахир ёзганларимиз инсон манфаатларига хизмат қилиши керак-да! Тўғри, жойларда қишлоқларда яшаётган кишиларга ўтин, молларини боқиш учун яйлов зарур. Дуч келган жойдан тош қазиб олинаверса табиатнинг мувозанати бузилмайдими, деб ўйлаб қоламан. Тоғдан битта тош кўчса, қанча зарар келтиришини тасаввур қилиб кўринг. Биргина мисол: тоғдаги жангаллар ўтин қилиш учун олиб кетилавергач уларни ошён тутган қушлар бу жойларни тарк этиб кетмайдими? Сангзор дарёсидан қум қазиб олиш ҳам ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамайди. Шунданми, унинг атрофидаги ҳамма булоқлар қуриди, қудуқлардан сув чиқмай қолди. Табиатга зарар келтирмаслик ҳақида оммага тушунтириш ишларни олиб бориш биз журналистларнинг вазифамиз. Мазкур мавзуга оид тадбирларни қишлоқларда, маҳаллаларда, маҳаллий корхоналарда ҳам ўтказиш керак. Токи одамларнинг ўзлари қилаётган ишларининг оқибатини англаб етишсин.

Кўп йиллардан бери қишлоқда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга бош қўшиб келаётган форишлик Бастамқул ака Саидқулов жуда хайрли ишни бошлаб берди. У қуёшдан электр қуввати олиб ишлайдиган сувни юқорига чиқариш мосламасини қуришга муваффақ бўлди. Бу эса ер ҳосилдорлигини оширди. Энг асосийси эса, одамларга табиатга зарар келтирмасдан ҳам фойда олиш йўлларини кўрсатиб берди. Ҳозир Жиззах адирларида шамол энергиясидан фойдаланган ҳолда электр токи олишга эришилмоқда.

— Тоғли ҳудудларда ҳам табиат шайдоларига қулай шароитлар яратиб бериш ҳақида гапиргандингиз.

— Жуда тўғри. Форишнинг Можрум қишлоғида минг йиллик арча бор. Уни минг-минглаб одамлар келиб кўришади. Уларга қулайлик яратиш учун тоғ бағрида меҳмонхоналар қурилди. Унда чет эллик сайёҳлар ҳам дам олади. Бу ерда олқорлар табиат қўйнида эмин-эркин юришади. Бундан ташқари, Қизил китобга киритилган паррандалар ҳам кўп. Уларни кўриб, завқланиш учун келадиганлар оз дейсизми?.

— Республикамизда атроф-муҳитни ҳимоя қиладиган нуфузли идоралар самарали ишларни амалга оширмоқда. Уларнинг фаолиятини кузатиб, яқин йилларда табиатимизни асраб-авайлашда катта ютуқлар қўлга киритишига умид пайдо бўлади.

— Албатта, ҳар бир юртдошимиз табиат муҳофазаси учун масъул бўлмас экан, режадаги вазифаларни бажариш осон кечмайди. Ахир биз табиатни «Она» деб аташимизни унутмаслигимиз керак. Дунё табиатида бошланган глобал жараёнлар барчамизни ҳушёр торттириши лозим.

Модомики, табиат барчамизнинг онамиз экан, унинг сахийлигидан беминнат баҳраманд бўлаётган эканмиз, биз ҳам ўз навбатида фарзандлик бурчимизни адо этишимиз зарур ва шарт деб ўйлайман.

Пардабой ТОЖИБОЕВ,
«Hurriyat» мухбири

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК ЙЎЛИ

(Бошланиши 1-бетда.)

— Ўтган беш йил давомида ZiyoNET ахборот ресурс тармоғи тарафидан *www.fikr.uz, www.uTube.uz, www.wiki.zn.uz, www.tanlov.uz* каби бир қатор лойиҳалар ишга тушди, — дейди биз билан суҳбатда ZiyoNET ахборот-таълим тармоғининг раҳбари Бекзод ҒАЙБУЛЛАЕВ. — Бундан ташқари порталимизнинг «Арбоблар» бўлимида мамлакатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган буюк алломалар, маънавиятимиз намояндалари ҳақида 650 дан ортиқ маълумот жойлаштирилган. Келажакда янги илмий манбалар асосида бўлимдаги маълумотларни кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Бугунги кунда таълим жараёнида ақлан етук, жисмоний бакувват, илмий салоҳияти юксак, маънавий жиҳатдан пок бўлган ёш авлодни камолот сари етаклаш асосий масалалардан бири ҳисобланди. Бу эса ўз навбатида илғор технологиялар асосида дарс ўтиш таълим тизимига оид ҳуқуқий-меъёрий хужжатлар, кўплаб янги дарс ишланмалари ва дарсликларнинг электрон муқобили билан танишишни талаб қилади. Жорий йилда ўқитувчиларга ёрдам сифатида www.uTube.uz сайтимиз ишга тушди. Унда юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган 1300 дан ортиқ видео материаллар жойлаштирилди. Видеолойиҳалар ўз йўналишларига биноан саралланган бўлиб, интернет тармоғига уланган муассасалар ундан эркин фойдалана олади.

Қолаверса, тармоғимизнинг uTube.uz — очиқ ўқув видео портали ҳисобланади. Унда ҳам кўплаб видеолекциялар, дарслар, интервьюлар ва турли йўналишлар бўйича семинарлар бор. Фойдаланувчилар ушбу материалларни порталдан бепул кўчириб олишлари мумкин. Агар лойиҳамизга барча таълим муассасаларининг ўқитувчилари иштирок этсалар, хурсанд бўлардик. Келажакда илғор ўқитувчиларнинг дарсларини порталга жойлаштириш, миллий музейлардан видеолавҳаларни кўчириш, дарс ўтиш самарадорлигини оширишда бир қатор қулайликлар яратиш режамизда бор.

Дарҳақиқат, айни пайтда юртимиздаги 8320 та мактаб, 125 та лицей, 879 та коллеж, 56 «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати филиаллари ZiyoNET ахборот-ресурс тармоғига улангани таълим самарадорлигини оширишда улкан ҳисса қўшмоқда. Яқин кунларда мазкур тармоқ доирасида Fikr.uz сайти ҳам ишга тушгани кўпчиликни қувонтирди. Сайтдан фойдаланувчилар унда таълим, фан, маданият, юқори технологиялар ва бизнесга оид мақолаларини чоп этишлари ва ушбу мавзуларни бошқа иштирокчилар билан муҳокама этишлари мумкин.

Мамлакатимизда таълим соҳасига катта эътибор берилаётган айни пайтда аксарият ёшлар юртимиз ва хорижда фаолият кўрсатаётган ўқув муассасалари, таълим фондлари, грантлари ҳақида кўпроқ маълумот олишга ҳаракат қилади. Ўқув масканлари эса бу орзу-истакларни амалга ошириш мақсадида турли танловлар ўтказиб, улар асосида бепул билим олиш учун грант, стипендиялар ажратади. Аммо ўзбек тилида фаолият олиб борувчи интернет тизимида ушбу танловлар ҳақидаги маълумотлар жамланмаси йўқлиги боис, бир қатор қийинчиликлар юзага келмоқда. Буни инобатга олиб, ZiyoNET ахборот-таълим тармоғида «Баркамол авлод йили Давлат дастури»га асосан «Tanlov.uz» сайти ташкил этилди. Унда тиббиёт, таълим, фан йўналишида қирқдан ортиқ танлов, грантлар, ҳукумат ва халқаро лойиҳалар, уларни амалга ошириш учун грантлар эълон қилинди.

Шунингдек, сайтда юртимизда фаолият олиб бораётган ва турли танловлар уюштираётган 21 та фоннинг фаолияти ҳақида ҳам маълумотлар бор. Улардан «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», ёшлар ташаббусини қўллаб-қувватловчи «Келажак овози ёшлар ташаббуслар маркази», «Камолот ёшлар ижтимоий ҳаракати» ва бошқа жамоат ташкилотларини мисол келтиришимиз мумкин. Маълумотлар ўзбек, рус тилларида жойлаштирилган бўлиб, сайт маъмурлари томонидан доимий равишда янгиланиб турилади. Маълумотларнинг ҳаққонийлигига уларни тақдим этган танлов ташкилотлари кафолат берадилар. Ушбу сайт ёрдамида фаол, ташаббускор ёшлар юксак ғояларини амалга оширсалар бўлади. Танлов ёки грантда ғолиб бўлганлар, лойиҳаларини амалга ошириш учун молиявий таъминотга эга бўлишлари, мутахассислик маҳоратларини оширишлари мумкин. «Tanlov. uz» келгусида ҳам ёшлар ва ота-оналар учун янги имкониятлар эшигини очади.

Нигора УМАРОВА,
ZiyoNET ахборот-ресурс тармоғи мутахассиси

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Ўзбекистон — Уммон:

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЁРҚИН УФҚЛАРИ

Тамаддуннинг янги босқичларига дадил қадам қўяётган Ўзбекистоннинг қатор Шарқ ва Ғарб давлатлари баробарида араб олами, шу жумладан, Форс кўрфази минтақасидаги мамлакатлар билан ҳам ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ҳамкорлиги ривожланиб, кўлами кенгайиб бормоқда.



Юртбошимиз Ислом Каримовнинг 2009 йил 4-5 октябрь кунлари Уммон Султонлигига ташрифи ва Уммон Султони Қобус бин Саид билан учрашув ва музокаралари, ташриф доирасида имзоланган муҳим ҳужжатлар икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Шу кунларда Уммон Султонлиги ўз Миллий баёнининг 40 йиллигини кенг кўламда нишонламоқда.

Уммон ўтмишда Мажон, Мазвон деб ҳам аталган. Мажон номи «мисга бой ўлка» маъносини англатса, «Ал-Музну» сўзидан ясалган Мазвон номи «серсув ўлка» маъносини беради. Уммон номи эса, баъзи манбаларда Яманнинг Уммон деган жойидан бу ерларга кўчиб келган араб қабилалари томонидан қўйилган дейилса, бошқасида бу ном тарихий шахслар Уммон бин Иброҳим Ал-Халил ва Уммон бин Сабаъ бин Яғсан бин Иброҳим номлари билан боғланади.

Уммон Султонлиги — Арабистон ярим оролининг жанубий-шарқида жойлашган араб давлатидир. У ғарбда Бирлашган Араб Амирликлари ва Саудия Арабистони, жанубда Яман билан чегарадош. Мамлакат соҳилларини шимолда Урмуз бўғози, шарқда Арабистон денгизи ювиб туради.

Умумий майдони – 309,5 минг кв. км. Аҳолиси 4 млн. 345 минг кишидан иборат. Шундан 3 млн. 425 минг киши Уммон фуқароси. Бу жами аҳолининг 79,2 фоизини ташкил қилади. Қолган 21,8 фоиз аҳоли яъни 920 минг киши ўзга миллатларга мансуб.

Мамлакат ҳудудининг катта қисми, яъни 82 фоизга яқини саҳро ва қумли чўл минтақаларидан, 15 фоизи тоғли ҳудудлардан, 3 фоизи соҳилбўйи пасттекисликларидан иборат.

Иқлими турлича. Соҳилбўйи минтақаларда ёзда ҳаво иссиқ, намлик юқори бўлса, мамлакат ичкарисида қуруқ иссиқ кузатилади. Аҳён-аҳён жала ёғиб ўтишини ҳисобга олмаса, ёғингарчилик кам.

Пойтахт Масқатда 977 минг киши истиқомат қилади.

Уммон катта нефть захирасига эга. Нефть мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 40 фоизини, экспортдан тушадиган даромаднинг 75 фоизини ташкил этади. Уммондаги аксарият саноат корхоналари нефть-газ саноати билан боғлиқ. Мамлакатда қишлоқ хўжалиги ва балиқчилик ҳам ривожланган бўлиб, уларда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоизи банд. Уммон Султонлигининг иқтисодиёти беш йиллик режалар асосида ривожланади. Ҳозир 2006-2010 йилларга мўлжалланган еттинчи беш йиллик режа амалга оширилмоқда.

Уммон Султонлиги дунёда изчил ривожланаётган давлатлардан ҳисобланади. Мана, 25 йилдан ошибдики, унда ўртача ўсиш суръати 6,5 фоиздан юқори бўлиб келмоқда. Иқтисодиётининг эркинлиги кўрсаткичи бўйича 2007 йилда дунёдаги 141 давлат орасида 18- ўринда, араб оламида эса биринчи ўринда бўлган. Жаҳон банки ва ўз таркибида 178 мамлакатни бирлаштирган молиялаштириш бўйича халқаро муассасанинг 2008 йил ҳисоботига кўра, Уммон иқтисоди тадбиркорлик фаолияти юритиш енгиллиги жиҳатидан дунёда 49-ўринни, Яқин Шарқ ва Африка шимолидаги давлатлар бўйича 4-ўринни эгаллаган. Дунё мамлакатлари иқтисодиётининг рақобатбардошлиги бўйича 2007-2008 йил эълон қилинган ҳисоботда бу рўйхатга биринчи бор киритилган Уммон Султонлиги 131 давлат ичида барча макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича дунёда 24-ўринни, иқтисодиётининг барқарорлиги жиҳатидан 11-ўринни эгаллаган.

Ўзбекистон — Уммон муносабатлари дўстлик ва ҳамкорлик тамойиллари асосида изчил ривожланиб бормоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик алоқалари сўнгги йилларда янада фаоллашганини кузатиш мумкин. 2007 йил Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш режасини ишлаб чиқди. 2008 йил охирларида қатор вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат Ўзбекистон Республикаси делегацияси Уммон Султонлигига ташриф буюриб, иқтисодиёт, савдо, саноат, меҳнат, транспорт ва коммуникациялар, туризм каби соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралар ҳамда Марказий банкда учрашувлар ўтказди.

Ўзбекистон делегациясининг ташрифи асосида Уммон савдо-саноат палатасида икки мамлакат ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда Уммоннинг 30 дан ортиқ етакчи фирма ва компаниялари, қатор банклари вакиллари иштирок этди. Савдо-саноат палаталари ўртасида ҳамкорликка оид шартнома, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Масқат банки ўртасида Уммон араб банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди.

2009 йил март ойида эса Уммон Султонлиги миллий иқтисодиёт вазири, Молиявий ишлар ва энергетик ресурслар бўйича кенгаш раисининг ўринбосари Аҳмад бин Абдунаби Маккий раҳбарлигидаги делегация юртимизга ташриф буюрди. Ушбу ташриф асосида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.

Анжуман якунида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида Инвестицияларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, Даромадларни икки томонлама солиққа тортилишига йўл қўймаслик ҳамда даромад ва капитал солиқларни тўлашдан бош тортишни бартараф этиш тўғрисида битимлар, Ўзбекистон — Уммон қўшма сармоявий жамғармасини ташкил қилиш тўғрисидаги англашув меморандуми, Тошкентда Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг кутубхонаси биносини қуриш тўғрисидаги протокол имзоланди.

2009 йил апрель ойида юртимизга ташриф буюрган Уммон тарбия ва таълим вазири Яҳё бин Сауд ас-Сулаймий Тошкент шаҳридаги бир неча ўрта, ўрта махсус ҳамда олий ўқув юртларида бўлиб, республикамизда таълим соҳасидаги олиб борилаётган ислоҳотлар кўлами билан яқиндан танишди ва улар бераётган самараларни юқори баҳолади.

Шу йил август ойи охирларида Уммон олий таълим вазираси Ровия бин Сауд Ал-Бусаидия хоним бошчилигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюриб, Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Тошкент шарқшунослик институтида илмий-техникавий ва олий таълим соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтириш бўйича музокаралар олиб борди.

2010 йил 20-23 март кунлари Уммон тадбиркор ва ишбилармонлари делегацияси юртимизда бўлди.

Уммон делегациясининг ташрифи доирасида икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида бизнес-форум ўтказилди. У ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада фаоллаштириш, Ўзбекистон ва Уммоннинг сармоявий салоҳияти билан яқиндан танишиш, биргаликда ишлаб чиқариш ва амалга ошириш мумкин бўлган янги лойиҳалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият бўлди. Уммон ишбилармонлари «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасига катта қизиқиш билдиришди.

2010 йил 22 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда делегация раҳбари Уммон Султонлиги савдо ва саноат вазири Мақбул бин Али бин Султонни қабул қилди.

Юртбошимиз меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон билан Уммон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Президент Ислом Каримовнинг Уммон Султонлигига 2009 йил октябрь ойидаги давлат ташрифи икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага олиб чиқиши, ташриф чоғида имзоланган йигирмага яқин ҳужжат ўзаро муносабатларнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаши ва ҳамкорлик кўламини кенгайтириш учун катта имкониятлар яратиши қайд этилди.

Ушанда Оқсаройда бўлиб ўтган учрашувда Мақбул бин Али бин Султон самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдириб, Уммон Ўзбекистон билан ҳамкорликни барча соҳаларда ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Уммон Султонлиги ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

Кўп ўтмай 2010 йил 14 май куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Оқсаройда юртимизга расмий ташриф буюрган Уммон Султонлиги ташқи ишлар бўйича давлат вазири Юсуф бин Алавий бин Абдуллани қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон ва Уммон ўртасидаги алоқалар нафақат дипломатик, балки иқтисодий асосларда ҳам ривожланаётганидан мамнунлигини билдирди.

Суҳбат чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада кенгайтиришга доир ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Оқсаройдаги учрашувда Юсуф бин Алавий бин Абдулла қабул учун давлатимиз раҳбарига самимий миннатдорлик билдирди ва Уммон Султонлиги Ўзбекистон Республикаси билан келгусида ҳам барча соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон — Уммон муносабатлари ривожида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2009 йил 4-5 октябрь кунлари Уммон Султонлигига давлат ташрифи алоҳида ўрин тутади.

Ташриф доирасида Ўзбекистон ва Уммон раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама муносабатларни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришга оид масалалар, томонларни қизиқтирган долзарб минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Уммон Султонлиги билан ҳамкорликни юксак қадрлашини таъкидлади. Ушбу учрашув икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият эканини қайд этди.

Қобус бин Саид Ўзбекистон раҳбарининг Уммонга давлат ташрифи Ўзбекистон — Уммон алоқаларидаги тарихий воқеа эканини таъкидлади.

Ислом Каримов ва Қобус бин Саид музакоралари Ўзбекистон — Уммон муносабатларини икки мамлакат манфаатларига мос тарзда янада ривожлантиришга хизмат қилиши таъкидланди. Эришилган келишувлар икки томонлама ҳамкорликни янги поғонага кўтаришга ишонч билдирилди.

Ўзбекистон Президентининг Уммон Султонлигига давлат ташрифи якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди. Томонлар Тошкентда ва Масқатда ўз элчихоналарини очиш хусусида келишиб олди.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорлик ва муносабатлар асослари, савдо-иқтисодий ҳамкорлик, ҳаво транспорти қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар, шунингдек, нефть-газ, кимё, қурилиш, олий таълим, сайёҳлик, сармоя каби соҳаларга оид ўндан ортиқ ҳужжат имзоланди.

Мамлакатимиз раҳбарининг давлат ташрифи доирасида Ўзбекистон ва Уммон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалаларига эътибор қаратилиб, сармоявий соҳадаги ҳамкорликни кенгайтириш имкониятлари кўриб чиқилди. Ўзбекистон иқтисодиёти устувор соҳаларининг тақдимоти ўтказилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Масқат шаҳридаги Султон Қобус масжиди ва Уммон Қуролли Кучлари Султонлик музейини бориб кўрди.

Ҳеч шубҳасиз, ушбу ташриф, унинг асосида бўлиб ўтган суҳбат ва музокаралар, эришилган келишувлар ва имзоланган битимлар икки муносабатларни янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Бахтиёр ИБРОҲИМОВ,
шарқшунос

ЖАҲОН МАТБУОТИ САҲИФАЛАРИДА

Les Echos (Франция)

Коррупция қаршисидаги ожизлик

Ҳокимиятнинг коррупциялашиши туфайли Россияда очилмай ва жазосиз қолаётган жиноятлар нафақат жабрланганларнинг қаҳр-ғазабини келтиряпти, балки Ғарб мамлакатларининг расмий Москва билан муносабатларига ҳам соя солмоқда.

Бу ҳақда «Les Echos» газетасида шу мазмундаги мақола босилиб чиқди. Муаллифнинг ёзишича, ЕХҲТ вице президенти сенатор-демократ Бен Кардин Барак Обамага мурожаат қилиб, 34 ёшли ҳуқуқшунос Сергей Магнитскийнинг ўлмига алоқадор 60 нафар россиялик расмий кишиларга АҚШга виза бермасликни талаб қилди. Магнитский ҳақидаги ҳужжатли фильм Британия, Канада, Германия ва АҚШ парламентларида кўрсатилди.

Мақола муаллифининг ёзишича, Россия президенти Дмитрий Медведев «пагонли кишилар» ўртасидаги жиноят мамлакат миллий хавфсизлигига хавф солишини яхши билади. 2008 йили у давлат раҳбари лавозимини эгаллаётган чоғида ҳуқуқшунос сифатида мамлакат ривожига тўсқинлик қиладиган коррупцияга қарши аниқ дастур билан чиққан эди. Аммо амалда ўз сўзининг устидан чиқа олмади. Ўтган йили мамлакатга келадиган инвестициялар миқдори тўртдан бирга қисқариб, 15,9 миллиард долларни ташкил этди.

Муаллиф ўз мақоласи сўнггида Россия ҳукумати мамлакат бўйлаб тобора кенг томир отаётган коррупция олдида ожиз бўлиб қолаётгани ва бу жуда хавфли иллат эканлигини таъкидлаб ўтади.

The Times (Буюк Британия)

КЎҲНА ҚИТЪА ХАВОТИРИ

«Европа Иттифоқи Ирландиядаги молиявий инқироз ЕИ бўйлаб тарқалиб кетмаслиги учун Дублинни иқтисодий ёрдам пакетини қабул қилишга мажбурлаяпти», деб бошлайди ўз мақоласини The Times мухбири.

16 та давлатнинг молия вазирлари Брюсселда учрашиб, евроҳудуддаги молиявий вазиятни муҳокама этишди. Ирландия эса солиқлар кўтарилишига олиб келадиган кредитдан воз кечмоқчи. Шу боис кўҳна қитъанинг барча марказий банклари Ирландияни берилаётган ёрдамни олишга мажбур қилмоқчи. Ҳозир Ирландиянинг қарзи 75 миллиард еврони ташкил этади. Шунингдек, Ирландия ЕИ валюта қоидасини ҳам бузмоқда. Ушбу қоидага биноан бюджетдаги камомад ички ялпи маҳсулотга нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги керак. Ирландияда эса бу кўрсаткич 32 фоизни ташкил этяпти.

Муаллиф ўз мақоласида Европа молия муассасалари мутахассисларининг бу борадаги фикрларини ҳам келтириб ўтади.

La Repubblica (Италия)

ЖАМОАТЧИЛИК ТАЛАБИ

La Repubblica газетаси мухбирининг ёзишича, Италиядаги фармацевтика фабрикаси Америка Қўшма Штатларига махбусларнинг вафот этишига олиб келадиган суюқлик етказиб бериш билан шуғулланади.

Шунинг учун Буюк Британиядаги НПО Reprieve инсонпарварлик ташкилоти фабрика раҳбариятини «ажал уруғи»ни етказиб беришни тўхтатишга чақирди.

«Келгуси йилнинг январидан Миландаги фабрика океанортига ўлим инекцияси — етказиб беришни бошлаши керак. Бу «дори» АҚШнинг 35 та штатида ўлим жазосига маҳкум этилган маҳбусларни осон ўлдириш учун ишлатилади. Худди шундай заҳарли модда аввал Америка Қўшма Штатларидаги Hospira Usa компаниясида ҳам ишлаб чиқариларди. Корхона яқинда жамоатчиликнинг тазйиқи ва талаби билан маҳсулот ишлаб чиқаришни тўхтатди. НПО Reprieve бундай моддалар ишлаб чиқаришни бутун дунёда тўхтатишни талаб қилмоқда»

Газета мухбири Италиядаги корхона раҳбарларини АҚШдаги заводдан ўрнак олишга чақирди. Унинг ёзишича, ўлим инекцияси ишлаб чиқаришни тўхтатишнинг икки йўли бор. Биринчиси жуда оддий: ўз хоҳиши билан мазкур суюқликни ишлаб чиқаришдан воз кечиш. Иккинчиси эса, Италия ҳукумати уни ишлаб чиқиш ва экспорт қилишни таъқиқлаши лозим.

Der Standard (Австрия)

ҲАҚИНИ ТАЛАБ ҚИЛЯПТИ

Боварияли бизнесмен Франц Зедельмайер 10 йилдан буён ўз қарзларини ундириб олиш учун кураш олиб бормоқда. Гап шундаки, у ўтган асрнинг 90-йилларида Санкт-Петербургда хавфсизлик тизимлари сотиш билан шуғулланган.

Ҳатто ички ишлар бошқармаси ҳам унинг мижози бўлган. Кейинроқ Россиянинг собиқ президенти Борис Ельцин унинг компаниясига қарашли офиси ўз резеденциясига айлантиради ва катта маблағ сарфлаб таъмирлайди.

Шундан буён у юқорида тилга олинган бинодан ажралиб қолган. Ишбилармоннинг айтишича, бинони у 7 миллион еврога сотиб олган. Шунинг учун Россия ҳукумати билан судлашмоқда. Россиянинг хориждаги биноларини олиб бериш бўйича Европа судларига мурожаат қилди. Ва ниҳоят Россиянинг Швециядаги савдо ваколатхонасини қўлга киритишга муваффақ бўлди. Яқинда бу савдо уйи сотилади. Ишбилармоннинг айтишича, унинг баҳоси 2-3 миллион еврони ташкил этиши мумкин.

ДАРАКЛАР

ДВИГАТЕЛДАГИ НОСОЗЛИК ТУФАЙЛИ

Лос-Анжелесга парвоз қилган Delta авикомпаниясига қарашли Boeing 767 самолёти Жоржия штатининг Атланта шаҳри аэропортига қўнишга мажбур бўлди. Бу ҳақда Fox 5 News хабар тарқатди.

Дастлабки маълумотларга қараганда, самолёт двигателидаги носозлик туфайли шундай ҳол юз берган. Хабарда айтилишича, бортида 262 йўловчи бўлган ҳаво лайнери қўнаётган пайтда унинг дум қисми ерга келиб урилган, лекин бахтли тасодиф туфайли ҳеч ким жабрланмаган.

Бир кун олдин худди шу авиакомпанияга қарашли Нью-Йоркдан Москвага йўл олган Boeing 767 самолёти ҳам кутилмаганда Нью-Йорк аэропортига қайтишга мажбур бўлган эди. Мутахассислар унинг ҳам двигателида носозлик борлигини аниқлашганди.

ИТАР-ТАСС хабарида айтилишича, ушбу рейс йўловчилари етти соат кечикиб Москвага етиб келишган.

КЕМАДАГИ ГИЁҲВАНД МОДДА



Украина хавфсизлик хизмати ходимлари Мозамбикдан мамлакатнинг Ильичевск портига келган кемадан 759 килограмм наша топишди.

«Украинские новости» газетасининг ёзишича, бу гиёҳванд модданинг баҳоси 15 миллион долларни ташкил этади. Наша керамик плитка жойлаштирилиши керак бўлган коробкаларга солинган экан.

Хабарларда таъкидланишича, хавфсизлик хизмати ходимлари гиёҳванд моддалар контрабандасида айбланган харковлик 36 ва 21 ёшли икки кишини қамоққа олди. Уларга нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Шу боис жиноятчиларнинг исми шарифи ошкор этилмаяпти. Шунингдек, Германияда юкнинг эгаси ҳам қўлга олинган. У 45 ёшли Канада фуқароси экан.

БРОНЕМАШИНА ПОРТЛАТИЛДИ

Кеча эрталаб Афғонистоннинг Қундуз шаҳридан Чоҳар дара томон йўлга чиққан Германия қўшинларига қарашли «Фаннек» бронемашинасини толиблар портлатиб юборишди.

Ҳарбий машина ичида бўлган уч аскар тан жароҳати олган. Уларнинг ҳаётига ҳеч нарса хавф солаётгани йўқ.

Воқеани шарҳлар экан, Германия расмийлари ҳар қандай шароитда ҳам немис аскарлари Афғонистондаги ўз вазифаларини бажаришда давом этишини билдирди.

Эслатиб ўтамиз, ноябрь ойининг бошида ҳам немис аскарлари Чоҳар дарада блок пост қураётган пайтда толиблар ҳужумига учраган эди.

ШАХТЁРЛАР ҚУТҚАРИЛДИ

Хитойнинг Синчуан провинциясидаги «Батан» кўмир конида якшанба куни юз берган портлаш туфайли 29 нафар шахтёр ер остида қолиб кетган эди.

Куни кеча улар қутқариб олинди. France-Presse мухбири бу воқеа ҳақида хабар тарқатар экан, ер остида қолиб кетган шахтёрлар уст-бош ва оёқ кийимсиз бўлгани учун енгил ҳаракат қилгани, шу сабабли уларни қутқариб олиш осон кечганини таъкилади.

Портлаш пайтида «Батан» шахтасида реконструкция ишлари олиб борилаётганди. Шахта эгалари бу ердан ҳар йили 50-60 минг тонна кўмир қазиб олишни режалаштирган. Хитой кўмир қазиш саноати корхоналари жаҳондаги иш жараёни энг хавфли корхоналар ҳисобланади. Фақат 2009 йилнинг ўзида мамлакат кўмир шахталарида 2600 нафар шахтёр ҳаётдан кўз юмди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

БУНЁДКОРЛИК

УМРБОҚИЙ ИМОРАТЛАР

Ўтган йили қишлоқ қиёфасини замонавийлаштириш ва бу ерда яшовчиларнинг уй-жой шароитларини тубдан яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатга имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганди. Мазкур қарор асосида бир ярим йилга яқин вақт мобайнида улкан ишлар амалга оширилди.

Жумладан, уй-жой, коммунал, ижтимоий соҳа ва қишлоқ аҳоли пунктларини ободонлаштириш борасидаги эҳтиёжларни амалга оширишда аҳоли ҳамда юридик шахсларга кредит бериш ва лизинг хизматлари кўрсатиш учун универсал тижорат банк сифатида комплекс банк хизматларини амалга оширяпти. Айниқса, мамлакатимизнинг турли ҳудудларида қишлоқ аҳолиси учун намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилишини молиялаштириш ишларини тўғри ташкил этиш ўз самарасини беряпти. Бу борада Қашқадарё вилоятида амалга оширилаётган ишлар юзасидан маълумот олиш учун «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкининг минтақавий филиал бошқарувчиси Исроил ОМОНОВни суҳбатга тортдик.

— Суҳбатимиз аввалида раҳбарлигингиздаги молия муассасасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб бersангиз?

— Ўтган йили давлатимиз раҳбарининг қарорига асосан «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки зиммасига ўта масъулиятли вазифа юкланган эди. Яъни, қишлоқ аҳолиси учун намунавий уй-жойларни «Қишлоқ қурилиш инвест» инжиниринг компанияси бунёд этса-да, уни молиялаштириш, хусусан, аҳолига кредитлар ажратиш банкимиз томонидан амалга оширилади. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоятимиздаги бешта туманда замонавий уй-жойлар қурилишига киришилганди. Ўтган йили бешта массивда намунавий лойиҳалар асосида уйлар бунёд этилди, уларнинг лойиҳа қиймати 5 млрд. 786 млн. 890 минг сўмни ташкил этди. Шундан бошланғич бадал сифатида фуқаролар томонидан 1 млрд. 650 млн. 475 минг сўм маблағ шакллантирилган бўлса, банк томонидан ҳам имтиёзли ипотека кредити ажратилди.

Бунёд этилган иморатлар нафақат ўзининг қулайлиги билан, балки сифатлилиги билан ҳам ажралиб туради. Уларни ҳақли равишда авлоддан-авлодга ўтадиган умрбоқий иморат деб аташ мумкин. Бинобарин, муайян режа ва лойиҳа асосида барпо этилган уй-жойлар мустаҳкам ўлчовлар асосида қурилган. Қолаверса, улар ҳозирданоқ қишлоқларимиз кўркига кўрк, кўчаларимиз чиройига чирой қўша бошлади.

Воҳада ана шундай қатъий мезонлар асосида қурилган аҳоли пунктлари талайгина. Қарши туманидаги Янги Хонобод, Касби туманидаги Юксалиш, Қамашининг Оқгузар, Ғузорнинг Қоркўмди, Китобнинг Чармгар қишлоқларида қурилган уйларнинг ҳар бирининг ўртача қиймати 57-59 миллион сўмни ташкил этади. Бу уй-жойларни харид қилиш учун банкимиз томонидан фуқароларга энг кам иш ҳақининг минг баробаригача бўлган миқдорда 15 йил муддатга 7 фоизлик имтиёзли кредитлар ажратиб берилган. Бу турар жой массивларида 5,2 километрлик табиий газ, 8 километрлик электр энергия, 17,2 километрлик ичимлик суви тармоқлари, 4,9 километрлик ички йўллар қурилиши режалаштирилиб, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тўлиқ фойдаланишга топширилди.

— Кун сайин бундай намунавий уй-жойлар қурилиши кўлами кенгайиб, такомиллашиб бормоқда. Шундай эмасми?

— Албатта. Бу борадаги бизнинг асосий вазифамиз эса — келгуси йили қуриладиган уй-жойларнинг эгаларини аниқлаш ва қурилиш ишларини ўз вақтида бошлаш учун бошланғич бадалларни шакллантириш, қишлоқ қурилиш инвест компанияси билан тегишли объектларни молиялаштиришдан иборат. Бу борада анча-мунча ишлар амалга оширилаётир. Шу ўринда ҳақли савол туғилиши мумкин: бундай уйлар кимларга насиб этаяпти? Топширилган уйларнинг ҳақиқий эгаси ўқитувчи, шифокор ва қишлоқ хўжалиги ходимлари ҳисобланади. Мисол учун, Қарши туманидан ўқитувчи Адиба Маҳкамова, қишлоқ хўжалиги ходими Баҳодир Халилов, Ғузор туманидан фермер Ғайрат Пўлатов, ўқитувчи Юлдуз Зарипова, касбилик фермер Ғолиб Раҳмонов, қамашилик шифокор Муқаддас Очилова кабилар янги турар жойларда фаровон ҳаёт кечирмоқдалар.

— Айни вақтда вилоятда қанча уй-жой бунёд этилмоқда ва бунинг учун қанча миқдорда маблағ ажратилган?

— Ҳозирги пайтда вилоятнинг 13 та туманидаги 20 та массивда тасдиқланган намунавий лойиҳа асосида 45 млрд. 683 млн. 160 минг сўм эвазига 735 та уй-жой қурилаяпти. Фуқаролар томонидан бошланғич бадаллар тўлиқ шакллантирилиб, банк томонидан ҳам ипотека кредитлари ажратилди. Айни дамларда қурилиш ишлари қарийб якунланган, маҳаллий ҳокимиятлар томонидан барча коммуникацияга доир тадбирлар амалга оширилянпти.

Шу ўринда уй-жойларни бунёд этишда жонбозлик кўрсатаётган «Kart spesmontaj story МЧЖ, «Бешкент дизайн қурилиш лойиҳа», «Аброр қурилиш» МЧЖ, «Фахриддин Ўнгбоевич», «Яккабоғ фаровон», «Бунёдкор Файз» каби қурилиш ташкилотларининг меҳнати таҳсинга сазовор эканини эътироф этмоқ жоиз.

Фақат шуларгина эмас. Банкимиз фаолияти доирасига кирадиган яна бир қатор соҳалар борки, уларга мунтазам кредит ажратиб келаяпмиз. Саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаларига, шунингдек, истеъмол ва таълим кредитлари ҳам ажратилаяптики, бу молия муассасамизнинг кенг кўламда фаолият юритишидан далолат беради.

Илҳом КАРОМОВ
суҳбатлашди

IEG Uzbekistan кўргазмалар компанияси томонидан ташкил этилган 6-халқаро ихтисослашган қишлоқ хўжалик кўргазмасида озиқ-овқат маҳсулотлари, озиқ-овқат саноати учун жиҳозлар ва хизматлар намойиш этилмоқда

КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

«Ўзэкспомарказ» ОАЖ МКК нинг 1-марказий павильонида бўлиб ўтмоқда. Ҳар кузги мавсумнинг йиллик қишлоқ хўжалик форуми ҳисобланган тадбир анъанага кўра тармоқ мутахассислари учун учрашув жойидир. Шунга кўра унда бу гал ҳам республикамиз қишлоқ хўжалиги ходимлари, чет эл давлатларидан мутахассислар иштирок этишмоқда. Кўргазманинг асосий вазифаси — ишлаб чиқарувчилар ва мутахассислар ҳамда давлат тизими вакиллари ўртасидаги самарали ишчи алоқалари учун асос яратишдан иборат.

Кўргазма йирик қишлоқ хўжалик техникалари, уларга эҳтиёт ва бутлови қисмлар, чорвачилик ва паррандачилик учун жиҳозлар, ветеринария дори-дармонлари, ўғитлар, ем-хашак ва қўшимчалар, иссиқхоналар ва ишлаб чиқариш технологиялари, боғдорчилик мини-технологиялари ва бошқа кўплаб маҳсулотлар намойиш қилинади. Озиқ-овқат саноати ва қадоқлаш учун жиҳозлар, замонавий савдо ва совутиш жиҳозлари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари кенг кўламда намойиш қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Фермер хўжаликлари уюшмаси, Савдо-саноат палатаси, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмаси, «Ўзгўштсутсаноат» уюшмалари шунингдек, Беларус Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг кўмагида ташкил этилган мазкур кўргазма ишида Германия, Франция, Голландия, Хитой, Польша, Италия, Буюк Британия, Япония каби 20 дан ортиқ давлатлари компаниялари иштирок этмоқдалар.

Ҳ. ЖЎРАЕВА

ҲА-ЁТ

ҚОБИҚДАГИ ОДАМЛАР

Яқинда қизғин гурунгнинг устидан чиқиб қолдим. Ҳамкасблардан бири сигарета тугатганича суҳбатдошларига гап бермасди:

— Толиб ўзини савдога уриб яхши қилдида. Ҳамма нарсага эришди. Тагида машина, қўша-қўша участка... Энди ишга номигагина бориб-келиб турса бўлди. Мазза қилиб яшайди...

Улар ким ҳақида суҳбатлашаётганини билиб турибман. Толиб ўттизга ҳам бормаган йигит. Уддабурон, юлдузни бенарвон уради.

Бир куни уни йўлда учратиб қолдим. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашдик.

— Омад келса қулига, ташлаб қўяр йўлига, деган экан машойихлар, кунига миллионлаб топган кунларим ҳам бўляпти. Шу пайтгача юрган эканман-да. Билсангиз, тадбиркорлик ғазнанинг ўзи экан.

— Режалар қандай? — дея сўрадим ундан. — Каттароқ ишларни ҳам мўлжаллаётгандирсиз-а?

Бу саволимни эшитиб бироз ўйланиб қолди.

— Ким билади дейсиз. Кўрармиз ҳали...

Хайрлашдик. Очиғи, бир жиҳатдан унга ҳавасим келди. Лекин масаланинг иккинчи томони мени мулоҳазага ундади. У айни жамиятга, одамларга фойдаси тегадиган вақтда ўзининг қобиғига ўралиб қолмаяптимикан? Шу ҳақда ўйлаяпман-у, хаёлимда яна бир воқеа жонланди.

...Мустақиллигимиз шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл очилгач, дўстимиз Баҳромнинг ишлари юришиб кетди. Ҳали у мамлакатга, ҳали бунисига тижорат учун қатнай бошлади. Эскигина "Москвич"и бор эди, тез орада янги "Жигули" олди. Кейинчалик турмуш ўртоғини ҳам тадбиркорликка жалб қилиб, унга мўъжазгина тикув цехи очиб берди.

Хуллас, Баҳром тиним билмади. Ҳали қарасанг сафарда, ҳали қарасанг бозорда бўлди. Бора-бора кичкинагина цехни кенгайтириб, ишловчилар сонини 10 нафарга етказди. Дўстларининг унга ҳаваси келиб, фахрланиб ҳам қўйишарди. Мен ҳам бундан мустасно эмасдим.

Бир куни таниш-билишлар дўстимизнинг тўйида учрашиб қолдик. Орамизда ёши каттаси бўлганим учун менга маслаҳат солишди. Ҳаммамиз пул йиғиб, тўй эгасига тўёна берадиган бўлдик. Шу пайт Баҳром аста ёнимга келиб, қулоғимга шипшиди:

— Ака, шу десангиз, ёнимдаги пулни ишлатиб қўйгандим. Менга ҳам тўлаб юборинг, бу ёғига суришиб кетамиз. Омонатингизни узоғи билан уч кунда қайтариб бераман.

Ҳеч нарсани ўйламай, айтганини қилдим. Аммо, наинки уч кун, ўн кунда ҳам Баҳром қорасини кўрсатмади.

Орадан кунлар ўтиб, уни қурилиш ашёлари сотиладиган бозорда учратиб қолдим. Машинага цемент юклатаётган экан. Мени кўрган заҳоти келиб кўришди ва иягини қашлаб гап бошлади:

— Ака, катта ўғлим институтни битирянти, шунга атаб иморат қураётгандик. Ўзи бўлмас экан...

Ишларига омад тилаб хайрлашдим. Кўп ўтмай Баҳром уйга йўқлаб келиб қолди. Бироз суҳбатдан сўнг марказдан 4 хонали уй олаётгани, шунга озгина маблағи етмаётганини айтиб, каттароқ миқдорда қарз сўради. Йўқ дейишга ориятим йўл қўймади.

Кетганидан сўнг "Наҳотки бировдан қарз сўрайдиган аҳволга тушиб қолган бўлса?" деган хаёлга бордим. Ҳаш-паш дегунча келишилган икки-уч ой ҳам ўтди. Ўғил уйлантираётгандим. Ҳам тўйга айтай, бир йўла қарзимни ҳам ундириб келаман, деган ўйда Баҳромникига бордим. Ташқаридан янги қурган уйининг дабдабасини кўриб ҳушим бошимдан учди. Атрофи гир айланган икки қаватли иморат. Ҳовли ўртасида эса мармардан ишланган фаввора.

Ўзи йўқ экан, отаси Ортиқ ака билан узоқ суҳбатлашдик.

— Эҳ, ука, ҳаёт қизиқ экан! Баъзан ўғлимнинг феъ-лига ҳам тушуна олмайман. Пул деб ўзини ўтга, чўққа уради. Насиҳат қилсам, "Дада, ҳозир ҳамма пул учун яшаяпти" дейди. Мол-дунёга бунчалик ҳирс қўйиш яхшиликка олиб бормайди. Ўғлим эса буни тушунишни ҳам истамайди. Гийбатга йўйманг-у, фақат ўзим бўлсам, дейди. Анави куни опасининг яхши ниятда тўйга атаб йиғиб қўйган озгина пулини ҳам ишлатиб юборибди. Ўзида йўқ деб ўйлайсизми? Бор! Лекин ишлатгиси келмайди. Нуқул бошқалардан қарз сўрайди. Эшигимизга бир-икки одам қарзини сўраб келди, — деди мунғайиб. Кейин савол назари билан менга тикилди. — Мабодо сиздан ҳам пул олмаганмиди?

Бош чайқадим. Чунки отанинг ярасини янгилашни истамадим. Тўйга айтиб, хайрлашдим. Бироқ анчагача унинг мунғайган чеҳраси-ю афсус-надоматга тўла кўзлари хаёлимдан кетмади...

Яқинда Толиб ҳақида яхши хабар эшитдим. Кичик бир корхона қуриб, ўзи яшайдиган маҳалладаги анчагина одамни иш билан таъминлабди. Бундан ташқари, шифохона ва қариялар уйига ҳомийлик ёрдами кўрсатаётганмиш. Буни эшитиб Толибжоннинг Баҳром сингари ўз қобиғига ўралашиб қолмаганидан хурсанд бўлдим.

Неъмат РАФИҚОВ,
журналист

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

«АСАКА» БАНКИ (ОАЖ)

Сизларни, яқинлашиб келаётган Конституция байрами билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат: «ФАЙЗЛИ-1».

Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

Хорижий валютадаги омонат: «СТИМУЛ-1» АҚШ ДОЛЛАРИДА.

Сақланиш муддати — 1 йил, ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.

«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

Барча жамғармангиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун: «Асака» банки (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11



Хизматлар лицензияланган.

Диққат: ёнғин хавфсизлиги ойлиги!

Ҳурматли ҳамюртлар! Маълумки, қиш фасли бошланиши билан фуқароларда иситиш мосламаларига бўлган эҳтиёжнинг ошиши туфайли ёнғин хавфи ҳам кескин ортади. Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 4 ноябрдаги 710-Ф сонли фармойишига асосан бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун 15 ноябрдан 15 декабргача юртимизда Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ўтказилмоқда.

Ушбу тадбирни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад «иқтисодиёт тармоқлари объектларида ва аҳоли турар жойларида ёнғин хавфсизлигига оид тадбирларни кучайтириш, келиб чиқиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш, улар оқибатида юзага келадиган кўнгилсиз ҳолатларни кескин қисқартириш ҳамда фуқаролар орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини кенг тарғиб этишдан иборат.

Азиз ватандошлар! Сизлардан ушбу тадбирда фаол иштирок этишларингизни сўраймиз. Таъкидлаймизки, бу даврларда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиб Сиз нафақат ойлик тадбирнинг фаол иштирокчисига айланасиз, балки бу билан давлат ва ўз шахсий мулкингизни, уй-жойингизни ёнғиндан асраган, шунингдек, яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлаган бўласиз.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги
Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси

МАЪНАВИЯТ

АКС-САДО

«Атаджан» эмас, «Отажон»!

Журналист Фармон Тошевнинг "Hurriyat" газетасида эълон қилинган "Мен «Алмазбек», отам «Атаджан», бобом «Батыр» номли мақоласини ўқиб, анчадан буён дилимни хира қилиб келаётган муаммолар ҳақида ёзиш мақсадида қўлимга қалам олдим.



Кунларнинг бирида идорамизга бир йигит келиб, паспортида ўзининг исми нотўғри ёзилганини айтди. — Аслида исмим Ўлмас, — дея гап бошлади ҳалиги киши. — Аммо паспортимда Улмас деб ёзишган. Бир қарашда бу оддий хатодай туюлиши мумкин. Аммо "улмас" сўзи шеваримизда "ўғил бола эмас" маъносини беради. Жойларда ҳужжатим бўйича исмимни ўқиётганларида уялиб кетаман. Шунинг учун исмимни ўзгартирсам бўладими?

Юқоридаги каби хатолар инсон сўзларнинг мазмунини билмаслигидан, гоҳо эътиборсизлигидан келиб чиқади. Зеро, миллати тарихини, ўтмиши ва она тилини яхши билганлар уни ҳурмат қилишни ҳам биладилар.

Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона ва муассасаларда, жумладан, фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФҲДЁ) бўлимларида ҳам она тилида иш юритиш йўлга қўйилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили ҳақида»ги Қонунининг 13-моддасида «Фуқаролик ҳолатини қайд этувчи ҳужжатлар, шахснинг ким эканини ва унинг ҳуқуқларини тасдиқловчи ҳужжатлар давлат тилида расмийлаштирилади, заруратга қараб бошқа тилда таржимаси такрорланиши мумкин», деб белгиланган. Қонунга бу банднинг киритилиши бежиз эмас. Чунки фуқаролик ҳолатини қайд этиш ҳужжатлари давлат пенсияси, нафақа, мерос, алимент ва бошқаларни олишда асос бўлиб хизмат қилади. Ва ҳоказо...

Энг ачинарлиси ҳозирги кунда бир вақтлар собиқ шўролар даврида хатолар билан ёзилган ҳужжатлар фуқароларимиз учун турли даражадаги муаммоларни келтириб чиқармоқда. Лекин мана шундай ҳолларда етарли асос бўлса, фуқароларнинг аризасига асосан ФҲДЁ бўлимларида ушбу ҳужжатларга тегишли ўзгартириш, тузатишлар киритилиши мумкин.

«Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 15-моддасида эса «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар миллатидан қатъи назар фамилиясини, исмини миллий, тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар», дейилган. Шундай экан, ҳар бир инсон исм ва фамилиясини миллий анъаналар, қадриятларимизга мослаб қайтадан ёздириши мумкин. Шу боис, кейинги йилларда исмларнинг охирига «хон», «жон», «бек», «бону», «биби», «ой», «хўжа» қўшимчаларини қўшиш кенг тарқалди.

Яна бир фикр. Оиладa янги туғилган чақалоққа фамилияни ота-онанинг хоҳишига кўра, отанинг ёки онанинг фамилиясини ёхуд боболаридан бирининг исми бўйича берилади. Андижон туман ФҲДЁ бўлимида ҳам бунга амал қилинмоқда. Қонунга кўра, ўзбек исмлари, ота исмлари ва фамилияларида анъанавий ўзбек имлоси нормаларини сақлаб қолишга ҳаракат қилинмоқда. Шунинг учун фамилиялар «Джураев», «Иргашев» деб эмас, балки «Жўраев», «Эргашев» деб тўғрилаб ёзилишига имконият яратиб берилмоқда.

Фуқаролар Андижон туман ФҲДЁ бўлимига 16 ёшгача бўлган фарзандларининг фамилияси отасининг, бобосининг исмларини абадийлаштириш мақсадида миллий-тарихий анъаналарга мувофиқ фамилия сифатида олиш учун мурожаат этмоқдалар. Бундай ҳолларда ота-онанинг биргаликда берган аризаси ва бола ўн ёшга етган бўлса, унинг розилигини олиб, фамилиялар ўзгартирилади. 16 ёшдан ўтган фуқаролларнинг фамилия, исм ва ота исмини ўзгартириш юзасидан фуқаронинг шахсий ҳужжатлари ички ишлар бўлимларига тегишли хулосасини олиш учун юборилади. Хулосага кўра ФҲДЁ бўлими тавсиясига асосан фуқаронинг фамилияси, исми ва ота исми ўзгартирилади.

Барнохон РАСУЛОВА,
Андижон тумани ФҲДЁ бўлими мудираси

ЎҚИЛАЁТГАН КИТОБЛАР

ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАНМА

Мамлакатимизда аҳолининг бадиий-ҳуқуқий адабиётларга талаби ҳамиша юқори бўлган. Айниқса, мамлакатни модернизация қилиш жараёни жадаллашган пайтда ҳуқуқшунослик илмига оид бундай қўлланмаларга эҳтиёж янада ортиб боради.



Яқинда Республика Адлия вазирлиги ҳузуридаги ихтисослашган «Адолат» нашриёти Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунини китобча ҳолида чоп этди. Мазкур тўплам нафақат ҳуқуқшунослар, балки кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари давлат органларига аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга эканлиги қайд этилган. Шунингдек, уларнинг газета, журналлар, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари тахририятлари орқали келиб тушган мурожаатлари ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда кўриб чиқилади. Бундан ташқари, қонуннинг 18-, 20-моддалари билан танишиш орқали фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари, унда қабул қилинадиган чора-тадбирлар хусусида ҳам тўлиқ маълумотга эга бўлиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, «Адолат» нашриёти томонидан чоп этилган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонуни кундалик ҳаётимизда турли муаммоларга дуч келганда, ишончли дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Абдурахмон ЖЎРАЕВ

ЮРАК ЁЛҚИНИ

Яхши шеър шууримизга найсон ёмғирлари каби сингиб кетади. Осмон янглиғ руҳиятимизни кўтаради. Лекин илҳом булоғидан сўз гавҳарларини тера билиш ҳазилкам иш эмас.

Яқинда сермаҳсул ижодкор Комил Синдаровнинг «Янги аср авлоди» нашриёти томонидан чоп этилган «Туҳфа» ҳамда «Аёл борки» номли шеърий тўпламларини ўқиб, бунга яна бир бор иқрор бўлдим. Ундаги халқона оҳангларга бой шеърлар таровати шоир қаламига ўзига хослик бағишлаб турибди. Шу ўринда «Зимистон кечалар» достонидаги ушбу сатрлар ёшлар қалбида ватанпарварлик, меҳр-муҳаббат каби олижаноб туйғуларни уйғотади. Беихтиёр халқ оғзаки ижодини ёдга солди:

Ўлтиришга бир ҳикоят айлайин,
Қулоқ тутинг, дилда борин сўйлайин,
Ҳақ сўз улуғ ҳар нарсадан, Ёронлар,
Достон айтиб, эл кўнглини хушлайин...

Бундан ташқари, шоир ижодида турли бадиий жанрлар қўлланган. Масалан, «Туҳфа» тўпламида устозлар ғазалига боғланган мухаммаслар ўрин олган. Фикримни тасдиқлаш мақсадида Машрабнинг «Хижрон ўти» номли ғазалига боғлаган мухаммасдан бир банд келтириб ўтишни жоиз деб билдим:

Ҳижрон ўтида Мажнун жисму жони куюбдур,
Лайли ҳамон қийноқда бағри-дилин ўйибдур,
Вале, севги жомидан Комил, айт, ким тўйибдур,
Ғами ишқдин бу Машраб бўсағанга бош қўюбдур,
Қиладур фиғонизоре, демадинг нечукдур ҳолинг.

Маълумки, мухаммас боғлашнинг ўзига яраша нозик жиҳатлари бор. Шулардан бири ғазал қайси баҳрда бўлса, боғланган сатрлар ҳам айнан шу баҳрда бўлиши шарт. Бу томондан шоир классик шеърият талабига ижобий жавоб беришга ҳаракат қилади.

Умуман, инсондаги эзгу фазилатларнинг барчаси, аввало, яхши китоблардан кўчади. Шу маънода шоир ижодига янги парвозлар тилаб қоламиз.

Абдуғани МАМАСОДИҚОВ

САЛОҲИЯТЛИ ЁШЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Куни кеча Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" ҳамда "Меҳр нури" жамғармаларининг грант дастурлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Жамғарма ўз фаолиятининг илк кунларидан бошлаб Ўзбекистон ёшларининг салоҳиятига катта эътибор қаратиб келмоқда. Унинг маданият, санъат, спорт, фан ва таълим соҳаларидаги лойиҳалари кўплаб интилувчан ёшларни кашф этишда, уларнинг профессионал имкониятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Бу йил дастурда иштирок этиш учун талаба-ёшлардан 4000 га яқин ариза қабул қилинди.

Шулардан 98 нафари «Таълим грантлари дастури» бўйича ғолибликни қўлга киритди. Ушбу дастур шу вақтга қадар 500 га яқин йигит-қизнинг олий ўқув юртларида таҳсил олиш имкониятини берган. Бугун ғолибликни қўлга киритган талабаларга эса бир йиллик шартнома пуллари тўлаб берилди.

«Иқтидорли талабалар учун стипендиялар дастури» лойиҳаси ўз мутахассислиги бўйича изланишлар олиб бораётган, иқтидорли ва интилувчан ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

«Спорт грантлари» дастури бўйича эса шу йил Осиё ва жаҳон чемпионатларида зафар қучиб қайтган 15 нафар иштирокчига пуллик грант ва совғалар топширилди.

Тақдирлаш маросими он-лайн тарзда юртимизнинг барча ҳудудларида намойиш этилди. 12 вилоят ва Қорақалпоғистон Республикасидаги Ёшлар ташаббуслари маркази билан Тошкент Ёшлар ижод саройини боғловчи телекўприк иштирокчиларга ўзаро жонли мулоқот олиб бориш имконини берди.

Шаҳноза АБДУЛАҲАТОВА

ИСТЕЪДОДГА КЕНГ ЙЎЛ

«ЯНГИ АВЛОД» – БОЛАЛАР ОРЗУСИ

Республикамизда келажак авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етиши, дунё талаблари даражасида таълим ва тарбия олиши масаласи Юртбошимиз юритаётган сиёсатнинг устувор йўналишларидан биридир. Бу эзгу ишга мамлакатимиздаги кўплаб жамоат ташкилотлари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда.

Куни кеча пойтахтимизнинг "Истиқлол" саройида "Янги авлод" болалар ижодиёти фестивалининг якуний гала-концерти бўлиб ўтди.

2004 йилдан буён "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ёш истеъдодларни кашф этиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказиб келинаётган анъанавий танлов 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган ёшларга мумтоз ва миллий чолғу, вокал, тасвирий ва амалий санъат ҳамда адабиёт йўналишларида ўз қобилиятларини синаб кўриш имконини беради.

2004-2010 йиллар мобайнида фестивалда мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан 72000 нафар ёш иқтидор эгалари иштирок этган. Йил сайин танлов иштирокчиларининг сони кўпаймоқда. Саралаш босқичидан муваффақиятли ўтган энг иқтидорли, энг истеъдодли болаларнинг 587 нафари "Янги авлод — 2010" кўрик-танловининг ғолибига айландилар. Ғолиблар мусиқа санъати юлдузлари билан бир саҳнада ўз ижроларини намойиш этди. Концерт сўнггида уларга "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан диплом, пуллик грант ва қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Бу йилги лойиҳанинг янгилиги шундан иборатки, истеъдодли болаларни кашф қилиш, лойиҳа иштирокчиларини тайёрлаш ишлари билан фаол равишда шуғулланиб келаётган мураббийлар, ансамбллар раҳбарларига ҳам грантлар ажратди. Ана шундай фаол мураббийларнинг уч нафари Фотима Жўрабоева (Тошкент), Виктор Осипов (Оҳангарон), Сайёра Саидалиева (Оққўрғон) лар грант соҳибига айланди. "Янги авлод" нинг янги истеъдод эгаларини намоён этишида зафарлар тилаб қоламиз.

Эътиқодхон ОТАҚУЛОВА

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Дунёда касблар кўп. Соҳалар бисёр. Аммо улар ичида энг улуғи ва шарафлиси ўқитувчилик касби десак, фикримизга қўшиларсиз. Муҳиддин Болиев ота касбига меҳри юксаклигидан ўқитувчи бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди. Самарқанд давлат университетига ўқишга кириб, бу даргоҳни имтиёзли диплом билан тугаттач, шаҳардаги Тиббиёт коллежига ўқитувчиликка қабул қилинди. У ўз меҳнат фаолияти давомида янги педагогик технологияларни, дарс беришнинг замонавий усулларини қўллай бошлади. Коллеж раҳбарияти касбига меҳр қўйиб, қатор ютуқларга эришган Муҳиддин акани ҳамширалик бўлимига раҳбар этиб тайинлади. Ўзига берилган ҳар бир вазифага масъулият билан ёндашган Муҳиддин ака жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этди. Изланувчан муаллимнинг касбга оид 6 та китоби чоп этилгани ҳам унинг ўз касбига меҳрли эканидан далолатдир.

Ота касбнинг шарофати

Бугунги кунда вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармасининг инновацион ва илғор педагогик технологиялар бўлимига раҳбарлик қилаётган Муҳиддин ака «Лотин тили ва тиббиёт терминологияси» китоби муаллифи сифатида айнан шу фандан ўқувчиларга дарс бериб келмоқда.

— Ўқитувчилик менга ота касб. Шу боис, ўзим ўқиб-ўрганганларимни бошқаларга ҳам ўргатишга ҳаракат қиламан. Агар ўқитувчи ўз касбини севса, уни ардоқласа илмга чанқоқ ўқувчиларга дарс бериши осон кечади. Бугунги кунда ўқувчи-ёшларимизнинг чуқур билим олишлари, замонавий тиббий жиҳозлардан ўз ўрнида фойдаланишлари учун ҳамма шароитлар муҳайё. Бу эса ҳукуматимиз томонидан таълим тизимига берилаётган юксак эътибордан дарак. Шундай шароитда бор билим, тажрибани ёшларнинг таълим олишлари йўлида сарфламаслик инсофдан эмас-да, — дейди Муҳиддин Болиев.

У республика «Устоз» жамғармасининг гранти совриндори сифатида Канада давлатида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бўйича малака ошириб келган, «Йилнинг энг яхши дарслик муаллифи» республика кўрик-танловида муваффақиятли иштирок этган. Ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш ҳисобига бир қанча дарслик, иккита ўқув қўлланмаси, ўндан ортиқ намунавий ўқув дастурлари ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимини такомиллаштиришга доир эллиқдан зиёд ўқув-услубий қўлланмалар, 70 дан ортиқ мақолалар муаллифи ҳамдир.

«Йилнинг энг яхши дарслиги ва ўқув адабиёти муаллифи» республика кўрик-танловининг ғолиби, халқ таълими аълочиси Муҳиддин Болиевнинг шарафли фаолияти бу соҳада меҳнат қилаётган кўплаб ҳамкасбларига ўрнак бўлади десак, янглишмаймиз.

Убайдулла ХЎЖАНИЁЗОВ,
«Hurriyat» мухбири

УЧРАШУВ

Иродали бўлиш — олий фазилат

Санъат бўстони кўплаб гул-чечакларни ўз бағрига олгани билан жилвалидир. Кимдир бу ошёнга кириш йўлидаги машаққатларга бардош беролмай сўнади, кимдир эса ёрқинроқ кўриниш учун тинимсиз изланади. Аллақачон мухлисларнинг эътиборига тушиб улгурган Дилноза Кубаева ҳам мана шу ажиб бўстоннинг муносиб гули бўлиш мақсадида тинмай изланаётган актёрлар сирасига киради. Бу галги суҳбатимиз табиатан очиққўнгил, камтарин ва умидли ижодкорнинг кино ва театрдаги фаолияти, ижодий режалари хусусида бўлди.



— Санъат оламида ёрқин юлдуз каби бир чақнадингизу, кутилмаганда йўқолиб қолгандингиз. Қисқа вақт ичида яна мухлисларингиз назарига тушишингиз ҳам ўзига хос ҳодиса бўлди...

— Танаффусдан кейин "Ҳижрон" фильмида роль ўйнашга киришганимда ўзимни илк дебют ролимни ижро этаётгандай сездим. Ҳаммаси бошдан бошланаётгандай эди, гўё. Фильмни суратга олиш ишлари бошлангунга қадар ижодий жамоа билан анча баҳс-мунозаралар бўлди. Бу фильмда ўйнашга бир рози бўлдим, бир рад этдим. Атрофдагиларнинг: "Сенга фойдаланиб, кейин ташлаб кетилган аёлнинг ролини беришмоқчи. Танаффусдан кейин кинога қандай қилиб бу образ билан қайтасан?", — деган гаплари қулоғим остида тинмай жаранглайверди. Аксига олиб ўзимнинг руҳий ҳолатим ҳам яхши эмасди ўшанда. Кинога бошқачароқ образ орқали қайтмоқчи эдим. Соат тунги 3⁰⁰. Бир қўлимда бешик, бирида телефон гўшаги. Фильмнинг иккинчи режиссёри Дурдона: "Дилноза, рози бўлинг! режиссёрга Дилнозанинг яқин дугонасиман, менга "хўп" дейди, деб ваъда берганман", — дея бир гапни қайтараверади, қайтараверади. Онам бояқиш ора-орада уйғониб: "Ҳалиям гаплашаяпсанми, қизим", — дейди-да яна ухлайди. Ахийри рози бўлдим.

— Буни қарангки, фильм томошабинларнинг кўнглидан жой олди. Бундай муваффақиятни ўзингиз ҳам кутмаган бўлсангиз керак?

— Тўғрисини айтсам, кутмагандим. Ҳатто премьерага боришга ҳам ўзимда куч тополмадим. Қандайдир қўрқув ҳисси мени қуршаб олганди. Бу фильмда атиги тўрт кун иштирок этган бўлсамда узоқ вақтгача фарзандидан айрилган аёл ҳолатидан чиқиб кета олмадим.

— Демак актрисанинг ўйнаётган образлари унинг ҳаётига ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди, шундайми?

— Бу актрисанинг ролга қанчалик жиддий киришишига боғлиқ. Баъзан образимга шунчалик киришиб кетаманки, ундан чиқишим қийин бўлади. Шундай қиёфалар бўладики, уни яратиш бирмунча мураккаблик туғдиради, баъзан жуда осонлик билан ўзимники қиламан. "Ҳижрон" фильмидаги она образи менга яқин эди. Чунки мен ҳам онаман, фарзандимнинг ҳидини ҳис қиламан, усиз яшай олмаслигимни биламан. Шунинг учун бу ролни маза қилиб ижро этдим. Биз актёр-актрисаларда шундай ақида бор: "Агарда мен..." Бу эса менга ролга киришишимда жуда катта ёрдам беради. Аввал "яратадиган" қаҳрамонимнинг таржимаи ҳолини тузиб оламан. У нима демоқчи, нима қилмоқчи, қаердан келяпти-ю, қаерга кетяпти. Жуда майда икир-чикирларигача ўрганиб, уни тирик одам қиёфасига келтириб оламан. Кейин секин-аста уни ўзимники қилиб, қаҳрамоним билан яшайман. Ролга қанчалик жиддий ёндашилса, шунча осон кечади. Лекин ҳаёт ва саҳнани қориштириб юбормаслик керак.

— Болалик инсоннинг ғуборлардан холи даври саналади. Шундай эмасми?

— Ҳар доим болалигим ҳақида эслаганимда, кўз олдимда театр саҳналари гавдаланади. Оиламизда санъат йўлини танлаганлар бўлмаса-да, унинг қадрига етадиган ҳақиқий санъат ихлосмандлари бор. Эсимни танибманки, ота-онам мени ҳар хил томошаларга, спектакларга олиб борардилар. Бу оиламизнинг энг яхши одатларидан бири. Ўша пайтлардаёқ театр актрисаларининг ижроларини кўриб завқланардим, уларнинг ўрнида бўлиб қолишни истардим. Вақт ўтгани сайин бу истагим орзуга айланди ва менга уни амалга ошириш ҳисси тинчлик бермасди. 8-синфни битиргач, республика нафис-санъат лицейининг сухандонлик бўлимида ўқишни давом эттирдим. Лицейдаги илк устозим — Муқимий номидаги мусиқали драма театрининг маҳоратли режиссёри Баҳодир Назаров ёрдамида адабий парчалар, саҳна кўринишларини қўяр эдик. Тайёргарликлар ўзининг самарасини бериб, Ўзбекистон Давлат санъат институтининг "Драма ва кино актёрлиги" факультетига ўқишга кирдим. Бахтли инсон эканимга шукур қиламан. Чунки Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Мунаввара Абдуллаева ҳамда Хайрулла Саъдиевлардек тажрибали устозлар қўлида таҳсил олиш бахтига муяссар бўлдим. Шу устозларимнинг кўмаги билан халқ орасида танилдим.

— Илк бор катта саҳнада "Андишали келинчак" спектаклидаги келинчак образи орқали кўпчиликнинг эътиборига тушдингиз.

— Ўшанда эндигина иккинчи курс талабаси эдим. Таниқли драматург Эркин Хушвақтовнинг "Андишали келинчак" пьесасини курс раҳбаримиз Мунаввара Абдуллаева саҳналаштирадиган бўлди. Театрга келишимда бу инсоннинг кўмаги катта. Айнан Мунаввара опа менга шу асарнинг бош роли — келинчак образини ишониб топширди. Катта саҳнадаги илк ижроим менга омад эшигини очди. Ҳатто энг чекка қишлоқлардан ҳам атайлаб шу спектаклни томоша қилгани келганлар бўлди. Айниқса, дам олиш кунлари театр заллари томошабинлар билан тўлиб-тошди. Кейин режиссёрлар назарига туша бошладим. Рустам Саъдиевнинг "Келгинди келин" фильми ҳам менга омад олиб келди. Ўша дамда шу касбни танлаганимдан фахрланиб кетдим. Инсон қайси соҳада бўлишидан қатъи назар ўз касбида доим биринчи бўлишга интилиши керак.

— Сизнинг изланишларингиз эътироф этиляпти. Бунга мисол Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республики кўрик-танловида ғолиблардан бири бўлдингиз.

— Камтарона меҳнатимга берилган юксак эътибор мен учун кутилмаган ҳодиса бўлди. Шу кунгача озмикўпми ўйнаган ролларим эвазига берилган илк мукофот янада яхшироқ ижод қилишимга куч бағишлади. Кичик танаффусдан кейин ижодга чанқоқ ҳолда саҳнага қайтдим. Ҳозирда кучли драматик қиёфаларни талқин қилишга, жиддий бўлмаган — енгил-елпи роллардан қочишга ҳаракат қиляпман. Аслида ҳам нафақат томошабин балки ўзимни ҳам ўйлантирадиган мураккаб образлар ижро этишни, драматизмни яхши кўраман.

— Муштарийларимиз билан театрда бўлаётган янгиликлар хусусида ҳам ўртоқлашсангиз.

— Ҳозир театримизда иш қизғин. "Рустам" ҳамда "Сизсиз ўтмас кунларим" трагедияли драмани томошабинлар ҳукмига ҳавола қилиб келмоқдамиз. Театримизнинг бош режиссёри Валижон Умаров саҳналаштираётган "Улар одам эмас" деб номланган янги асар устида иш олиб бораяпмиз. Ушбу асар ўзининг тарбиявийлиги билан бошқаларидан ажралиб туради. Спектакль бугунги куннинг энг катта муаммоларидан бири — "одам савдоси" билан шуғулланувчи виждонсиз кимсалар ва уларнинг қопқонига тушиб қолган бегуноҳ кишиларнинг тақдиридан ҳикоя қилади.

— Кино соҳасидаги фаолиятингизга назар ташласак. Яқинда "Кичиккан ҳаёт" фильмининг суратга олиш ишлари ҳам тугади. Эътиборлиси, ушбу фильм плёнкага олинибди. Бу усулда олинган фильмлар видеотасмага олинганларидан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

— Дарҳақиқат яқинда, истеъдодли режиссёр Аюб Шаҳобиддиновнинг "Кичиккан ҳаёт" фильмида суратга тушдим. Таъкидлаганингиздек, картина кино плёнка воситасида суратга олинди. Бу усулда олинган фильмларда иштирок этадиган актёрлардан катта маҳорат талаб этилади. Деярли дубль қилинмайдиган бу жараёнлардан аввал репетиция мукаммал даражада амалга оширилиши керак. Ундан ташқари, плёнкага олинган фильмлар турли фестивалларда қатнашиш имкониятига эга экани унинг устун жиҳатларидан бири. Айни пайтда картинанинг монтаж ишлари бошлаб юборилди. Мен ўз қаҳрамонимга ўзим овоз беряпман. Куни кеча яна бир янги фильмда суратга тушишни бошладим. "Ширин орзулар" деб номланган мазкур картинада Насиба исмли аёл образини яратмоқдаман. Фильмдаги партнёрим истеъдодли актёр Адиз Ражабов. У билан илк ҳамкорлигимиз ўз самарасини беради, деб ўйлайман.

— Кино ва театрдан ташқари дубляжда ҳам фаолият юритяпсиз. Демак, санъатга эндигина кириб келаётган ёш актрисаларнинг ролларига ҳам овоз бермоқдасиз. Улар сизнинг овозингиз орқали танилаётгандай туюлмаяптими ?

— Дубляж эркин жараён бўлса-да, жуда мураккаб соҳа. Сизнинг ихтиёрингизда микрофон ва қоғоз бўлади, холос. Шулар ёрдамида бутун бир характерни чиқариб беришингиз керак. Кинода, театрда учрамаган образларга дубляжда дуч келаман. Бу мен учун жудаям қизиқ ва ёқимли. Саволингизнинг иккинчи қисмига келадиган бўлсак, кинога эндигина кириб келаётган актрисалар менинг овозим орқали халққа таниляпти, дея олмайман. Шундай бўлса ҳам ҳозирда фақат ўзимнинг қаҳрамонларимга овоз беришга ҳаракат қиляпман.

— Ёш бўлишингизга қарамай ҳаётнинг оғир синовларига дуч келдингиз...

— Тақдирда ёзилгани бўлади. Шу нарсаларни тан олган ҳолда бутун кучғайратимни севимли касбимга йўналтирдим. Сабрли, иродали эканим менга кўмак берди. Йиғи-сиғи қилиб дардимни дўстон этиш менга ёт. Табиатан доим қийинчиликларни якка ўзим енгишга ҳаракат қиламан. Чунки бу — менинг ҳаётим. Аёлман, ожизаман деб қийналишни хоҳламайман, инсоннинг энг олий фазилати иродали бўлишидир. Доим кулиб юришга ҳаракат қиламан, болалигимдан шундайман, хафалик либосини кийиб, ўзимни ҳам, яқин инсонларимни ҳам азоб ўчоғига улоқтиришни хоҳламайман.

Агар санъаткорнинг иқтидори кўп қиррали бўлса, унга имконият эшиклари бирин-кетин очилаверади. Дилноза Кубаева ҳам ўз касб маҳоратини кино, театр ёки дубляж орқали юксалтиришга интилаётган истеъдодли санъаткорлар қаторидан жой олишга улгурган. Келажакда севимли актёримизнинг рангбаранг образлар яратишида улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Шаҳноза БАҲРОМЖОНОВА,
"Hurriyat" мухбири

ЮРТГА МУНОСИБ ФАРЗАНДЛАР

(Бошланиши 1-бетда.)

Хабарингиз бор, бу йил дюздо беллашувларида 32 мамлакатдан келган 150 нафарга яқин энг кучли спортчи куч синашди. Улар орасидаги етти нафар ўзбекистонлик атлетикачилар медалларга даъвогарлик қилди. Дастлаб оғир вазнлилар ўртасида ўтказилган беллашувларда ҳамюртларимиз учта кумуш ва битта бронза медаль соҳиби бўлди. Мусобақада Абдулла Тангриев, Дилшод Чориев ва Шокир Мўминов ўз вазни тоифасида иккинчи ўринни қўлга киритган бўлса, 100 килограммгача бўлган дюздочилар орасида Рамзиддин Саидов шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди. Совриндорларимиз орасида истеъдодли спортчилар Мирзоҳид Фармонов ва Наврўз Жўрақобиловлар ҳам бор.

Осиё ўйинларининг хотин-қизлар ўртасидаги ўқ отиш баҳсларида муваффақиятли иштирок этган Яна Фатхи, Елена Кузнецова ҳамда Сакина Мамедовадан иборат терма жамоамиз ҳам бронза медаль эгасига айландилар. Шунингдек, спорт гимнастикаси бўйича хотин-қизлар ўртасидаги беллашувларда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари учинчи ўринни эгаллаб, Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди.

Ўзбекистон спорт жамоасига биринчи олтин медални дюздо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров олиб берди. Мутлақ вазн тоифасидаги баҳсларда қатнашган яна бир спортчимиз Ўткир Қурбонов эса учинчи ўрин билан кифояланди. Шу тариқа XVI ёзги Осиё ўйинларининг дюздо бўйича эркаклар ўртасидаги мусобақаларида иштирок этган саккиз нафар спортчимизнинг барчаси совриндорлар қаторидан жой олишди. Бу эса юртимизда мазкур спорт тури жадал ривожланаётганидан далолатдир.

Навбатдаги олтин медаль эса тезкор шахмат мусобақаларини мағлубиятсиз якунлаган ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов томонидан қўлга киритилди. Учинчи олтин медални терма жамоамиз ҳисобига велотрек бўйича мусобақаларда зафар қозонган ҳамюртимиз Владимир Тўйчиев келтирди. Шу тариқа ҳозирда терма жамоамиз ҳисобида учта олтин медаль мавжуд.

Спортчиларимизнинг оғир атлетика ва академик эшкак эшиш бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам омади келди. Улар навбатдаги медаллар шодасини қўлга киритдилар. Қитъамизнинг оғир атлетикачилар орасида штангани даст кўтаришда 182, силтаб кўтаришда 218, жами 400 килограмм натижа қайд этган ҳамюртимиз Иван Ефремов қозоғистонлик Сергей Истомин ва Жанубий Кореядан келган Ва Сунг Кимни ортда қолдириб, кумуш медални ўз номига расмийлаштирди.

Академик эшкак эшувчиларнинг эркаклар ўртасидаги якка беллашувларда муносиб қатнашган Артём Кудряшов бронза медаль билан тақдирланди. Бундан ташқари у жамоадошлари Сергей Тян, Ефим Кузнецов, Александр Дидрих, Дамир Наурзалиев, Абдурасул Муҳаммадиев, Зафар Ўсмонов, Ботир Муродов ва Якуб Ҳамзаев билан биргаликда яна битта бронза медалига сазовор бўлди.

Хотин-қизлар ўртасида яккалик беллашувларида мамлакатимиз вакиласи — Зарина Михайлова учинчи ўрин билан кифояланди.

Шунингдек, Гуанчжоуда давом этаётган ёзги Осиё ўйинларида спорт гимнастикаси бўйича Пекин Олимпиадаси ва жаҳон чемпионати совриндори Антон Фокин брусда машқ бажариш бўйича кумуш медални қўлга киритди.

22 ноябрь кунги баҳсларидан кейин Ўзбекистон терма жамоаси ҳисобига иккита кумуш ва учта бронза медаль қўшилди. Шу кунги беллашувларда Осиёнинг етакчи енгил атлетикачиларидан бири — Гўзал Хуббиева юз метрга югуриш беллашувларида 11,34 сония натижа кўрсатиб, кумуш медални қўлга киритган бўлса, Лангарчўпга таяниб баландликка сакраш баҳсларида Леонид Андреев 5,30 метр натижа билан шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.

Яна бир умидли спортчимиз — таэквондо устаси Евгения Каримова шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди. Трамполиннинг батутда сакраш баҳсларида қатнашган Пекин Олимпиадаси совриндори Екатерина Хилько якка беллашувларда 39,50 балл билан Осиё ўйинларининг бронза медалига сазовор бўлди. Юнон-рум кураши бўйича 96 килограмм вазн тоифасида гиламга чиққан Давид Солдадзе тўрт беллашувдан учтасини ўз фойдасига ҳал қилиб, бронза медални қўлга киритди.

Агар "Осиё ўйинлари — 2010" мусобақаларида медаль олган давлатлар рўйхатига назар ташлайдиган бўлсак, терма жамоамиз улар орасида ҳозирча ўн биринчи ўринда бормоқда. Аммо ҳали ўзбекистонликлар етакчилик қилаётган спорт турлари бўйича беллашувлар энди қизғин паллага кириб бормоқда. Хусусан, вакилларимиз бокс, теннис, шахмат, байдарка ва каноэда эшкак эшиш турлари бўйича ҳам мусобақаларда асосий даъвогарлардан ҳисобланади.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

PS: *Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтаётган Осиё ўйинларининг 23 ноябрдаги баҳслари ҳам юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган спортчиларимиз ва ватандошларимиз учун орзиқиб кутилган лаҳзаларга бой бўлди.*

Эркин курашчи Дилшод Мансуров 55 кг.гача бўлган вазнда кечган финал баҳсида Шимолий кореялик Ки Йангни мағлубиятга учратиб олтин медаль соҳиби бўлди.

Терма жамоамиз ҳисобидаги бешинчи олтин медални умидли енгил атлетикачимиз Юлия Тарасова қўлга киритди. У мусобақа аввалида узунликка сакраш беллашувларининг бронза медалига ҳам сазовор бўлган эди.

Теннисчиларимиз Денис Истомин ва Оқгул Омонмуродовалар эса биттадан кумуш медални қўлга киритдилар.

Шу тариқа кеча терма жамоамиз ҳисобига 2 та олтин, 2 та кумуш ва 1 та бронза медали қўшилди. Натижада Ўзбекистон спорт жамоаси жами 35 медаль жамғариб, умумжамоа ҳисобида 14 ўриндан 11 ўринга кўтарилиб олди.

БИЛАСИЗМИ?

Ҳашаротхўр ўсимликлар

Кўринишдан кўзани эслатадиган Непентес ўсимлигини ҳеч иккиланмасдан "йиртқич"ларга ўхшатиш мумкин. Чунки ўзига етишмайдиган озиқ моддаларни "тутиб олинган" майда жонзотларни ҳазм қилиш эвазига олади. У ҳашаротларни гулшира ёрдамида жалб этади. Сўнг улар четлари силлиқ бўлган кўзанинг ичига тушиб кетиб чўкадилар. Бундай қопқонга ҳашаротлардан ташқари баъзида сичқонлар, қушлар ҳам тушиб туради.

* * *

Ҳашаротларни хуш кўрадиган яна бир ўсимлик — бу Венерина пашшатутқичдир. Унинг барглари бошқа ўсимликларникидан фарқли равишда майда тишчаларга эга. Ҳашарот Венеринага тегиб кетса бас, "қопқон" ёпилади. 30 секунд ичида ўлжанинг нима эканини аниқлашга киришади. Шундан сўнг овқат сингдириш ферментлари тутилган жонзотни бир неча кун давомида ҳазм қилади. Бу жараён битта баргда тўрт марта такрорланади. Унинг тузоғига шиллиққурт ва баъзида қурбақалар ҳам тушиб туради.



* * *

Росянка ўсимлигининг номи унинг барглари устида пайдо бўладиган томчилардан келиб чиққан. Томчилар таркибида овқат ҳазм қилиш ферментлари ва кониин алкалоиди бўлиб, улар ҳашаротларни ўзига жалб этади. Ҳашаротлар "ёпишқоқ тузоққа" тушгач, гулбарглар тезгина ўралиб ёпилади. Ўсимлик озуқасини ҳазм қилиб бўлгач, яна очилади.

Лобар РАҲИМЖОНОВА тайёрлади

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Ўктам МИРЗАЁРОВ

Тахририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

e-mail: hurriyat@mail.ru

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-375-357-75-10
Сурхондарё — 8-376-369-30-59
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-224-73-33
Навоий — 8-436-748-63-11

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Иномжон АБДИЕВ

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 22.40

® — тижорат белгиси.

Адади: 8854 Буюртма — Г-1026 1 2 3 5